

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“КРЕДИТ-ИҚТИСОД” ФАКУЛЬТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Кредит-иқтисод” факултети
декани, и.ф.н., доц.
Сагтаров О.Б. _____
“ ____ ” _____ 2012 й.

“БАНК ИШИ” КАФЕДРАСИ

ПОЛВАНОВ АЛИЖОН КОМИЛЖОНОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АКТИВ ВА ПАССИВ
ОПЕРАЦИЯЛАР АУДИТИ**

**5340700 – “Банк иши” таълим йўналиши бўйича
бакалавр даражасини олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“Ҳимояга тавсия этилди”

“Банк иши”

кафедраси мудири

_____ доц. С.Норқобилов

“ ____ ” _____ 2012 й.

Илмий раҳбар:

_____ Д.Аҳмедова

« ____ » _____ 2012 й.

Тошкент - 2012

Мундарижа:

Кириш.
1-боб Тижорат банкларида ички аудит хизмати ва унинг банк фаолиятида тутган ўрни.
1.1	Тижорат банклари ички аудитининг ҳуқуқий ҳамда ташкилий асослари.....
1.2	Тижорат банкларида пассив ва актив операциялари аудитини амалга ошириш тартиби.....
2-боб Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида пассив ва актив операциялари аудитининг жорий ҳолати таҳлили.
2.1	Тижорат банклар актив операциялари аудити таҳлили.....
2.2	Тижорат банклар пассив операциялари аудити таҳлили.....
3-боб Тижорат банклари пассив ва активлари аудитини такомиллаштириш йўллари.
	Хулоса ва таклифлар.
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
	Иловалар.

Кириш

Бугунги кунда иқтисодий муносабатлардаги янгиликлар, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида амалга оширилаётган тадбирлар замонавий банк иши олдида ўзига хос ўрин эгаллайди. Бу борада республикаимиз президенти И.А.Каримов 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Банкларнинг кредит портфели таркиби сифат жиҳатдан тубдан ўзгармоқда. Агар 2000 йилда кредит портфелининг 54 фоизи ташқи қарзлар ҳисобидан шакллантирилган бўлса, 2011 йилда унинг 85,3 фоизи ички манбалар – жисмоний ва юридик шахслар депозитлари ҳисобидан шакллантирилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимиз тармоқларига инвестиция киритиш ва шунинг ҳисобидан тараққиётимизни таъминлашда ички имкониятларимиз тобора ортиб бораётганлигининг далилидир”¹ деб таъкидлади. Бу ҳам аҳолининг банк тизимига бўлган ишончининг йилдан-йилга ортиб бораётганидан далолат беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизими фаолиятини назорат қилишнинг асосий элементларидан бири аудит ҳисобланади. Айниқса замонавий банк иши динамик ривожланиб бораётган ҳолда иқтисодий ислохотларнинг изчил равишда амалга оширилиши банк тизимининг ҳар томонлама шаффофлигини таъминлашдан иборат. Шу боис ҳам, банк тизимини қарор топтириш бош мақсад ҳисобланади. Хусусан, Президентимизнинг “Устувор вазифа банк-молия тизимларидаги

¹И.А.Каримов “2012 йилда Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлди”.- Тошкент “Ўзбекистон” 2012. – 366.

ислохотларни чуқурлаштиришдир ва бу жараёнда банклар иқтисодиётнинг бош локомотиви ролини бажармоғи керак”² деб таъкидлаши ҳам бежиз эмас.

Битирув малакавий ишининг долзарб жиҳати бу тижорат банкларининг актив ва пассив операциялари аудитининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришдалигидир. Зеро, банкларда ички корпоратив бошқаруви тизимини тўла куч билан йўлга қўйиш ва қўзланган мақсадларга эришишда банк ички аудитининг аҳамияти каттадир. Бунда ички аудит хизматининг самарадорлик даражасини ошириш, амалда қўлланилаётган пассив ва активоперация кўламини лозим даражада жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилиши керак. Банк ходимлари ўз фаолият хизматларидан оғишмаган ҳолда хизмат вазифаларини бажариши ҳамда ўз билим кўникмаларини оширишда банк ички аудитининг муҳимлигини ифодалаб беради.

Президентимизнинг 2010-йил 10-ноябрдаги 1438 сонли “2011-2015 йилларда банк-молия тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, 2015 йилга қадар мамлакатимиз тижорат банкларига жаҳоннинг нуфузли рейтинг компанияларининг юқори рейтинг кўрсаткичларини олиш вазифаси қўйилган.

Бу қарорнинг 1-иловаси 3-бўлимига қуйидаги бандлар киритилган:

1. Тижорат банклари умумий капиталини кўшимча аксияларни чиқариш йўли билан 2011-2015 йилларда 2.1 мартага оширилишини таъминлаш.

2.Тижорат банкларининг ички аудит хизматларини қуйидагиларга асосан янада кучайтириш:

✓ Тижорат банклари филиаллари фаолиятининг мониторинги натижаларини банк Кенгаши йиғилишларида мунтазам равишда кўриб чиқиш оркали мониторинг тизимини такомиллаштириш;

²И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва сиёсатининг кўшма мажлисидаги маърузаси. 2005й.

✓ Ички аудит хизмати ишининг самарадорлигини банкнинг активлари, кредит ва инвестиция портфели сифати ҳамда банк фаолиятига тегишли бошқа кўрсаткичлардан келиб чиқиб баҳолаш тизимини жорий қилиш.

Битирув малакавий ишининг мақсади республикамизда фаолият юритаётган тижорат банкларида пассив ва актив операциялар аудитининг назарий ва амалий жиҳатларини ёритиб бериш ҳамда актив ва пассив операциялар билан боғлиқ амалиётлар аудитида аниқланаётган камчиликларни камайтириш ва потенциал таваккалчиликларнинг олдини олишдан иборат. Тижорат банклар пассив ва актив амалиётлар кўламини кенгайтиришда ички аудит тизимини қарор топтириш банк хизматларининг янги турларини юзага чиқариш ва уларда рақобат бозорида самарали фойдаланиш йўналишларини таъминлашда банк ички аудитининг назарий ва амалий аҳамияти каттадир. Асосий мақсаддан келиб чиқиб, қуйидагилар битирув малакавий ишининг вазифалари ҳисобланади:

- ✓ Аудит ва банк фаолияти натижаларини назарий нуқтаи назардан кўриб чиқиш.
- ✓ Статистик маълумотларни тўплаш, уларга ишлов бериш ҳамда шу маълумотлар асосида таҳлил ўтказиш.
- ✓ Тижорат банклари пассив ва актив операциялари таркиби ва динамикасини ўрганиб чиқиш.
- ✓ Тижорат банклари пассив ва актив операциялари аудитини такомиллаштириш йўналишлари ва истиқболларини аниқлаш.

Мазкур битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар ҳамда иловаларни ўз ичига олади. Битирув малакавий ишининг биринчи боби тижорат банкларида ички аудит хизматининг ўрни ҳамда назарий жиҳатларига, иккинчи бобда бугунги кунда республикамиз тижорат банклари фаолиятида пассив ва актив операциялар билан боғлиқ амалиётларнинг аудит таҳлили, учинчи бобда эса пассив ва актив операциялар аудитини такомиллаштириш масалаларига

қаратилган. Юқоридаги учала бобда пассив ва актив операциялари аудитида қуйидагилар ёритиб берилиши керакдир:

- ✓ Ички аудит тизимининг банк фаолиятидаги ўрнини аниқлаш;
- ✓ Амалиётда аудит билан боғлиқ муаммоларнинг юзага чиқиш сабабларини ўрганиш;
- ✓ Аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларини аниқлаш;
- ✓ Аудит реализация жараёнининг тўлиқ ва тўла ҳажмда бажарилиши жараёнидаги субъектив омиллар сабабини аниқлаш чоралари.

Хулоса ва таклифлар қисмида мавзулар юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

I боб. Тижорат банкларида ички аудит хизмати ва унинг банк фаолиятида тутган ўрни.

1.1. Тижорат банклари ички аудитининг ҳуқуқий ҳамда ташкилий асослари.

Республикамизда мустақиллик йилларида турли мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши, жумладан иқтисодиёт тармоқларида Хусусий мулкчиликнинг тараққий этиши билан аудиторлик фаолиятига эҳтиёж юзага кела бошлади. Сабаби бозор иқтисодиётида ҳаракатланаётган ҳар қандай субъект ўз фаолиятига нисбатан ҳолис баҳо олишни ва ўз фаолиятида етарлича обро-эътибор қозонишни хоҳлайди.

Юқоридаги сабаб ва эҳтиёжга асосланган ҳолда аудиторлик фаолиятидаги дастлабки қадам 1992 йил декабр ойида қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқиши билан изоҳланади. Ва албатта, бу ҳолат республикада аудитнинг ҳуқуқий асоси сифатида аудиторлик фаолиятининг ривожланишига туртки бўлди. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 1-моддасига асосан, “Банк аудити ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланиши...” кўрсатиб ўтилган. Айнан мана шу асос билан республикамиз иқтисодиётига банк аудити тушунчаси кириб келди. Бизга маълумки, “аудит” сўзи эшитмоқ деган маънони англатади. Унинг иқтисодий моҳияти ички хўжалик тизимида атрофлича баҳо бериш ва келгусидаги стратегик тадбирларни амалга ошириш каби иқтисодий таъсир кучининг мавжудлиги билан талқин қилинади ва аудиторлик фаолияти бўйича «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг VI бобининг 43-моддасига асосан “Банкларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик текширишларини амалга ошириш учун сертификатга эга бўлган аудиторлар томонидан ҳар йили текширилиб турилиши лозим. Аудит, хусусан, капиталнинг етарлилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш, таваккалчилик ва ликвидлиликни ўлчашни ўз ичига олади. Банклар қонун ҳужжатларга мувофиқ ички аудиторлик дастурларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари шарт” лилиги белгиланган. Банкларда ички аудит назорати бевосита Марказий банк томонидан бошқарилади ва у “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг 50-моддасида қуйидаги тартибда “Марказий банк банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб боради” деб изоҳланган.

Кейинчалик, мамлакатимизда банк тизимининг аста-секинлик билан қарор топиб бориши билан тижорат банклари фаолияти молиявий ҳолати

ҳақида қизиқишлар сезиларли даражада орта бошлади. Хусусан банк тизимида аҳоли ва инвесторларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш мақсадида 1996 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк аудити тизimini ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниши ва унга мувофиқ республикада банк аудитини мустаҳкамлаш мақсадида Марказий банк томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Юқоридаги фамоннинг ижроси республикада банк аудитини шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг амалий босқичини белгилаб берди. Мазкур фармонга асосан банк тизимида бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларини жорий қилиш жараёни янада такомиллаштирилди ва жаҳоннинг нуфузли аудиторлик компанияларидан

- “Arthur Andersen”
- “Deloyd and Tush”
- “KPMJ”
- “Ernest and Young”
- “Pricewaterhouse Koopers”

кабилар етакчи аудиторлик ташкилотлари тижорат банклари фаолиятини аудит қилишга таклиф қилинди. Кўплаб омилларни ҳисобга олиб мамлакатимизда аудит фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. Меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва улар доимий тарзда такомиллаштирилиб борилмоқда. Юқоридаги аудиторлик компаниялари томонидан республикамиз банк тизимидаги бир қатор муаммоларга дуч келинди ва ушбу муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилди:

➤ тижорат банклари бухгалтерия ҳисобида “касса усули”дан воз кечилиб, “ҳисоблаш усули”га ўтилиши таъкидланди. Бу муаммони ечими сифатида “ҳисоблаш” тамойилига ўтилди.

➤ миқозлар таркиби бўйича камчиликлар топилди, яъни давлат корхоналарига давлат банки хизмат кўрсатар эди. Гарчи улар зарар билан ишласа ҳам. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида эса мулк шаклидан қатъий назар барча корхоналар банк олдида ва банк барча корхоналар олдида бир хил мажбуриятга эгадир.

➤ ҳисобварақлар режасини қайтадан ишлаб чиқиш керак эди. Сабаби, 1996 йилгача бўлган баланс 24 та қисмдан иборат эди. Унда ҳар бир соҳа учун баланс ҳисобварақлари мавжуд эди. Балансни халқаро стандартларга ўтказиш лозим эди. Бу камчиликнинг олдини олиш мақсадида Жаҳон банкидан олинган 21.5 млн АКШ доллари эвазига янги ҳисобварақлар режаси ишлаб чиқилди. Марказий банк учун 1996-йил 13-ноябрида Вазирлар Маҳкамасининг 289-сонли қарори билан, Тижорат банклари учун эса 290-

сонли Вазирлар Махкамасининг қарори билан янги ҳисобварақлар режаси ишлаб чиқилди. 1997-йил 1-апрелдан барча банклар бухгалтерия ҳисоби янги ҳисобварақлар режасига ўтдилар.

➤ Аудиторлик компаниялари топган хатоларидан яна бири, 1996 йилга қадар тақсимланмаган фойданинг йилнинг ҳар чорагида тегишли фондларга ажратилиши эди. Мазкур ҳолат эса банкларда капитал етарлилиги даражаси тушунчасининг мавжуд эмаслигини изоҳлайди.

Юқоридаги қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий асослар банк тизимидаги аудиторлик фаолиятининг биринчи поғанаси ҳисобланади. Айтиш керакки, юқоридаги барча амалга оширилган лойиҳа ва дастурлар асосан ташқи аудит масалаларига қаратилганлиги билан ифодаланади ҳамда республикамиз орттирилган тажрибага асосан Марказий банк томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди, жумладан Ўзбекистон Республикаси банк тизимидаги кирувчи тижорат банклари аудитини ўтказиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида тижорат банкларига лицензиялар бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти таркибида “Аудитни мувофиқлаштириш бўлими” ташкил этилди ҳамда мазкур Фармонга мувофиқ тижорат банкларида аудит текширувларини ўтказиш, аудиторлик фирмалари ва аудиторларга банкларда аудит ўтказишга рухсат беришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида Марказий банк томонидан “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк аудитини ўтказишга қўядиган талаблари тўғрисида”ги, “Банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатни бериш, бекор қилиш ва аудиторларни малака аттестациясидан ўтказиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси банк аудитини ўтказиш учун сертификат бериш ва аудиторларни малака аттестациясидан ўтказиш комиссияси тўғрисида”ги Низомлар ишлаб чиқилиши билан бир қаторда “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ички аудит хизмати тўғрисида Низом” намунаси ишлаб чиқилди.

Шу билан бир қаторда 1998 йилдаги Марказий банкнинг “Ўзбекистон Республикаси банкларни аудит қилиш тўғрисида”ги 403-сонли, “Тижорат банкларида ички назоратни ташкил қилиш бўйича тавсиялар тўғрисида”ги 404-сонли, “Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги бир қатор низомларнинг ишлаб чиқилиши тижорат банкларида ички аудит хизматини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосини таъминлашдаги чора-тадбирлар сирасига киради.

Бизнинг фикримизча республика банк тизимида аудит фаолиятининг иккинчи босқичи тижорат банкларида ички аудит хизматининг ривож топиши билан изоҳланади мазкур босқичдаги асосий эътибор банк ички аудитини ривожлантириш учун энг аввало корпоратив бошқариш тизимида

банк Кенгашларининг ролини ошириш борасида 1998 йил 2-октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур фармонда тижорат банклари фаолиятини бошқаришда акциядорларнинг ролини ошириш, банк ходимларини ишга ёллашнинг шартнома тизимига ўтказиш, банкнинг раҳбар ва ижроия органлари жавобгарлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди, шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки шу йилнинг охирига қадар тижорат банклари, Молия вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган Намунавий низомга мувофиқ акциядорлик тижорат банкларининг Кенгашлари тузилишини таъминланиши ва унга кўра Акциядорлик тижорат банки Кенгаши:

-Банк филиалларининг Бошқаруви ва раҳбарлари билан биргаликда банкни самарали бошқаришни ташкил этиш, мазкур Намунавий низом ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларининг талабларига мувофиқ кредитлар берилиши ва уларнинг ўз вақтида қайтарилиши учун жавобгар бўлиши;

-Банк Бошқаруви раиси ва аъзоларини тайинлаши;

-Банк Бошқаруви раиси билан меҳнат шартномаси тузиши белгилаб қўйилди.

Мазкур фармоннинг аҳамиятли жиҳати шундаки, Бошқарув раисининг ва банк ички аудит хизмати раҳбарининг ҳар чоракдаги маърузалари Кенгаш ҳузурида мунтазам равишда тинглаб борилиши амалиётга жорий қилинди.

1999 йил 15-январдаги Вазирлар Маҳкамасининг “Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 24-сонли Қарори юқоридаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 2 октябрдаги ПФ-2084-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда банк тизими барқарорлигини ошириш мақсадида қабул қилиниши ички аудит хизматининг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштирди ва унга кўра банкларда ички аудит хизмати банк Кенгашига бўйсиниши ҳамда унинг мустақил таркибий бўлинмаси сифатида ташкил топиши қонуний куч билан ифодаланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 мартдаги 104-сонли “Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг олтинчи бандида қуйидагича “...корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш, акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун таъсирчан шарт-шароитлар яратиш ва банкларнинг капиталлашувини мустаҳкамлаш учун банкларнинг ижро этувчи органлари ва ички аудит хизматлари раҳбарларининг кредит, инвестиция сиёсатини амалга оширишга

доир ҳисоботларини йилнинг ҳар чорагида эшитиш” талқинини амалиётга жорий этиш яна бир бор мақулланди. Бу эса тижорат банкларида ички аудит хизматларининг ролини кучайтириш, уларнинг ижро этувчи органдан мустақиллигини таъминлаш ва банклар ижро этувчи органлари томонидан ички аудит хизматларини улар фаолиятидаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш учун банкнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги ишончли ахборот билан таъминланиши билан изоҳланади. Ички аудит хизматини янада ривожлантириш мақсадида банк фаолиятини тартибга солувчи қабул қилинган қонунларга мувофиқ Марказий банкда тижорат банклари фаолиятини назорат қилишнинг халқаро стандартларга ва Банк назорати бўйича Базель қўмитаси талабларига жавоб берувчи таъсирчан тузилма яратилди.

Жаҳон амалиёти тажрибаси шуни кўрсатадики, банкларда аудиторлик фаолиятини жорий қилиш ва уни ривожлантириш, аввало мазкур муассаларда ички аудит тизимини ташкил этиш ва такомиллаштиришдан иборат. Бу борада Республикамиз Марказий банкининг 1998 йил 4 июль 405 -сонли “Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблари тўғрисида”ги Низомига мувофиқ тижорат банкларида ички аудитни ўтказишга нисбатан қўйиладиган асосий талаблар ишлаб чиқилган:

- ✓ ички аудит текширувлари фақатгина Аудит хизмати ходимлари томонидан ўтказилади.

- ✓ ички аудит банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Аудиторлик текшируви режасига мувофиқ ўтказилади. Аудиторлик текшируви режаси асосида батафсил аудиторлик дастури тайёрланади. Аудиторлик текшируви режасини ишлаб чиқиш учун жавобгарлик Аудиторлик қўмитасига, аудиторлик дастурини ишлаб чиқиш ва бажариш учун жавобгарлик эса банкнинг Бош аудиторига юклатилади.

- ✓ аудит хизмати ишининг самарадорлиги ва монандлигини таъминлаш мақсадида аудиторлик текшируви режаси банк Кенгаши томонидан бир йилда камида бир марта тегишли йилнинг 1 январига қадар қайта кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим.

- ✓ аудиторлик дастури аудиторлик текшируви мақсадини аниқ белгилаши ва изоҳлаб бериши, шунингдек батафсил иш режаси, аудиторлик текширувини ўтказиш графиги ҳамда кўриладиган ҳар бир соҳа учун зарурий тартиблар изоҳини ўз ичига олиши лозим.

- ✓ дастур қамров доираси аудиторлик мақсадларига эришиш учун етарли бўлиши лозим. Ҳар бир дастур талаб қилинадиган ишнинг аниқ ва қисқа тарзда изоҳлаб бериши лозим ҳамда операцияларнинг хусусияти ва мукамаллигига қараб бир ёки бир нечта бўлимлар фаолиятини қамраб

олиши мумкин. Дастурга киритилган тартиблар амалга оширилаётган операциялар ёки бошқа омиллар хажми ва мураккаблигига қараб ўзгартирилиши мумкин.

✓ тижорат банкларида ички аудит бир йилда камида бир марта ўтказилиши лозим.

✓ Ички аудиторлик текширувини ўтказиш даврийлиги аудит ўтказиш лозим бўлган ҳар бир соҳага боғлиқ бўлган таваккалчилик даражасини баҳолашга асосланган бўлиши.

✓ ички аудит хажми банк ички назорат тизимининг етарли бўлиши ва самарадорлигини ҳамда юклатилган мажбуриятларни бажаришдаги ишлар сифатини текшириш ва баҳолашни ўз ичига олиши лозим.

✓ аудит хизмати амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ва тўғрилигини текшириши лозим.

✓ ички аудит текширувини ўтказиш жараёнида банк операциялари ва ҳисоботларга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қоида, режа, тартиб ва қонун ҳужжатларига риоя этилиши текширилиши, шунингдек банк томонидан уларга амал қилиш даражаси аниқланиши лозим.

✓ аудит хизмати текширув вақтида капиталнинг етарлилик даражасини баҳолаш, активларнинг таснифланиши, таваккалчиликни бошқаришни ва ликвидлиликни баҳолаш, ўтказилган банк операцияларини бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда ўз вақтида, тўлиқ ва аниқ акс эттирилишини баҳолаш каби саволларга жавоб бериши лозим.

✓ аудит хизмати активларнинг сақлаш усулларини ва зарурат туғилганда уларнинг мавжудлигини текшириши лозим. Бундан ташқари Аудит хизмати натижаларнинг қўйилган мақсад ва вазифаларга мослиги ҳамда операция ва дастурлар режага асосан бажарилишини аниқлаш мақсадида операциялар ёки дастурларни текшириши лозим.

✓ ички аудит текшируви натижалари текшириш ҳисоботи ва уни тўлиқ тасдиқловчи иш ҳужжатлари тўпламини ўз ичига олиши зарур. Аудиторлик текшируви иш ҳужжатлари Аудит хизмати ходимлари томонидан тайёрланади ва Аудит хизмати бўлими раҳбарлари томонидан текширилади. Ушбу ҳужжатларда олинган маълумотлар ва ўтказилган таҳлил қайд этилган бўлиши, шунингдек улар аудиторлик текшируви жараёнида аниқланган ҳолатлар учун асослар ҳамда уларни яхшилаш бўйича тавсияларни ўз ичига олиши лозим.

Юқоридаги талаблар асосида барча тижорат банкларида ички аудит хизмати ташкил этилди ва мазкур низом аста-секинлик билан такомиллаштирилиб 2004 йил 13 мартдаги 571-сонли қарори асосида “Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблари тўғрисида”ги


Низом қайта ишлаб чиқилди. Унга кўра “Ички аудит-банк ходимларининг ўз вазифаларини самарали бажаришларида ёрдам бериш мақсадида банк фаолиятини текшириш ва баҳолаш учун банк ичида доимий асосда тузилган мустақил экспертиза. Ички аудитнинг асосий мақсади бўлиб ички аудит хизмати томонидан банк раҳбариятига банк фаолиятининг назароти ва натижалари бўйича объектив таҳлил, баҳо, тавсиялар ва маълумотлар тақдим этиш орқали банк Кенгаши ва Бошқарувига банк фаолияти мақсадига эришишида кўмаклашиш ҳисобланади” дея таъриф берилган.

Ички аудит хизмати - банкда ички назорат ҳолатини, жумладан молия-хўжалик фаолияти самарадорлиги, ҳисобнинг ишончлилиги ва аниқлиги, ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва объективлиги, Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилиги ҳужжатларига, таъсис ва ички ҳужжатларга, банк операцияларини амалга ошириш қоидалари ва тартибларига риоя қилинишини аудит қилиш ва мониторингини амалга оширувчи, шунингдек банк операцияларининг самарадорлиги ва ишончилигини ошириш бўйича банк Кенгашига маслаҳатлар берувчи мустақил таркибий тузилмадир.

“Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблари тўғрисида”ги Низомига мувофиқ тижорат банкларида банк Кенгаши таркибига кирувчи Ички аудит хизматини ташкил этиш ва қўллаб қувватлаш мақсадида Аудиторлик қўмитасини тузилди.

1-чизма


Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тизими



Ушбу қўмита таркибига фақатгина банк Кенгаши аъзолари киритилиши лозим. Шу боисдан ҳам аудит қўмитаси структурасини қуйидагича блоклаш мумкин.

2-чизма

Банк ички аудитининг ташкилий тузилиши.



Аудиторлик қўмитаси раиси ва аъзолари банк Кенгаши раиси тавсиясига асосан банк Кенгаши томонидан тасдиқланади. Аудиторлик қўмитаси таркибига банк Кенгашининг камида учта аъзоси киритилиши кераклиги, шунингдек аудиторлик қўмитаси таркибига кирувчи банк Кенгаши аъзолари банк фаолиятига жавоб берадиган бошқа кенгаш қўмиталари аъзолари этиб тайинланмасликлари ҳам қайд этилган. Шуниси қизиқки ички аудит, ҳатто ташқи аудит ҳам фақатгина акциядорлар томонидан ўз мулкига ва унинг ишлатишига безътибор бўлмагандагина ва аудит хизмати тўлиқ мустақил бўлгандагина ривожланиши мумкин.

Хар бир банк Ички аудит хизматини ташкил этиши, шунингдек банк Кенгаши тасдиқлайдиган **"Ички аудит хизмати тўғрисидаги низом"**, **"Ички аудитни ўтказиш тартиби ва жараёнлари"** ҳамда **"Бош ички аудитор лавозим йўриқномаси"**ни ишлаб чиқиши ва амалга киритиши шарт. Аудиторлик қўмитасининг раиси ва аъзолари банк Кенгаши раиси тавсиясига биноан банк Кенгаши томонидан тасдиқланади. Аудиторлик

қўмитаси таркибига банк Кенгашининг камида урта аъзоси киритилиши керак.

Аудиторлик қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- Ҳар бир ички аудит текширувлари ўтказилгандан сўнг тақдим этиладиган Аудит хизмати ҳисоботларини ўрганиш;

- Ички аудит бўйича чорақлик ҳисоботларни ўрганиш ва уларни банк Кенгашига тақдим этиш;

- Ташқи аудиторлар учун техник вазифаларни ишлаб чиқишда банк Кенгашига амалий ёрдам бериш;

- Ички аудит хизмати ва ташқи аудиторларнинг тавсияларини бажариш жараёнини бошқариш бўйича ишларни банк Бошқаруви раиси билан мувофиқлаштириш;

- Ташқи аудиторлик ҳисоботлари, жумладан раҳбариятга йўлланган хатни кўриб чиқиш ва уларни банк кенгашига тақдим этиш;

- Ташқи ва ички аудиторлик текшируви жараёнида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, шунингдек аудиторлар берган тавсияларнинг банк Бошқаруви томонидан бажаилиши устидан назрат қилиш;

- Аудит хизмати фаолияти мустақиллигини таъминлаш ва унинг фаолиятига, шунингдек текширувлар таркиби ва ҳажмига Бошқарув аъзолари ва банк бўлимларининг бошқа раҳбарлари аралашувига йўл қўймаслик.

Маълумки, ички аудит хизматини ташкил этишдан мақсад-ички назорат мониторингини амалга ошириш ва банк раҳбариятига банк фаолиятининг назорати ва натижалари бўйича объектив таҳлил, баҳо, тавсиялар ва маълумотлар тақдим этиш орқали банкнинг самарали фаолият юритишини таъминлашда банк Бошқаруви органларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этиш орқали банкнинг самарали фаолият юритишини таъминлашда банк Бошқаруви органларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади. Юқоридаги мақсадларга эришиш борасида банкларда ички аудит хизматининг ташкилий ва ҳуқуқий асоси негизида ички аудит хизматининг мавжуд тартиблари ҳамда вазифалари ишлаб чиқилди. Унга кўра ички аудит хизматига қуйидаги вазифалар юклатилди:

- ўтказилган ички аудит текшируви натижаларига асосланган банкнинг реал ҳолати ва ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисидаги ишончли ва мустақил ахборот билан банк Кенгашини таъминлаш;

- ички назорат тизимининг самарадорлиги ва монандлиги ҳамда ички аудитни ўтказиш бўйича қабул қилинган жараёнларнинг амалийлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- банк фаолияти олдига қўйилган мақсадга эришишда маъмурий ва операцион жараёнларнинг самарадорлигини кузатиш;

- таваккалчиликларни бошқариш жараёнлари ва таваккалчиликларни баҳолаш услубиётининг самарадорлиги ва қўлланилишини кузатиш;

- молиявий ахборот тизимини, шунингдек электрон ахборот тизими ва электрон банк хизматини кузатиш;

- бухгалтерия ҳисобварақлари ва молиявий ҳисоботларнинг саранжом-саришталиги аниқлиги ва ишончлилигини кузатиш;

- банкнинг капитал таваккалчилигини баҳолаш билан боғлиқ капитални баҳолаш тизимини кузатиш;

- банк Кенгаши талабларига биноан махсус текширишларни ўтказиш ёки ўтказишда амалий ёрдам бериш.

Аудит хизмати юқоридаги вазифаларни бажариши билан бир қаторда қуйидаги қуйидаги функцияларни бажаради:

- банк раҳбарияти билан биргаликда фаолият юритиш;

- банк ходимлари ўз вазифаларини самарали бажаришларида ёрдам бериш;

- молиявий ҳисоботни жорий аудиторлик текширувидан ўтказиш;

- операциялар ёки дастурларнинг натижалари уларнинг олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга мос келиши ҳамда режалаштирилганидек бажарилишини аниқлаш мақсадида уларни текшириш;

- бухгалтерия, операцион ва маъмурий назорат тизимларининг монандлигини баҳолаш;

- банк фаолиятини ташқи аудитга тайёрлаш. Бундан ташқари, Аудит хизмати:

- ички низом, йўриқнома, тартиб ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

- малака ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ва бошқа ташкилотларнинг ўхшаш хизматлари билан ҳамкорлик қилади;

- маълумотларни алмашиш орқали ташқи аудиторларга ёрдам беради ва уларнинг ишида кўмаклашади;

- амалий назоратни мақбул харажат билан татбиқ этишда ёрдам беради;

- текшириш материалларини умумлаштиради ва текшириш натижалари тўғрисидаги маълумотларни Аудиторлик кўмитаси ва банк раҳбариятига тақдим этади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун чора кўриш тўғрисида Аудиторлик кўмитаси ва банк раҳбариятига таклифлар беради.

Бош аудиторнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

-Аудит хизмати ходимлари учун зарур бўлган аудит дастури, ёзма равишда ички аудит сиёсати ва жараёнларини ишлаб чиқиш. Бош аудитор белгиланган ҳужжатларнинг ички аудит стандартларига мувофиқлиги учун жавобгар;

-Аудит хизмати ходимлари томонидан амалга ошириладиган Аудит хизмати фаолиятининг ёзма ишларини бажарилишини таъминлаш;

-Аудит хизматига малакали ва ератли маълумотга эга бўлган ходимларни танлаш ва уларнинг иш фаолияти устидан бевосита назорат ўрнатиш;

-ходимларнинг малака даражаларининг ошириб борилишини таъминлаш;

-банк Кенгаши ва Бошқаруви билан биргаликда ишлаш, шу жумладан ички аудит фаолияти олдида қўйилган вазифаларни бажарилиши ва ички аудит тизими ишлари тўғрисида банк Кенгаши ёки Аудиторлик қўмитасига мунтазам равишда ҳисобот бериб бориш. Хусусан, Аудит хизмати Аудиторлик текшируви режасининг бажарилиши тўғрисида банк Кенгаши ва Аудиторлик қўмитасига ахборот бериб бориши шарт;

-ҳар чоракда Аудит хизмати фаолияти натижалари тўғрисида Аудиторлик қўмитасига ҳисобот бериб бориш;

-ички аудиторлар ишларини мувофиқлаштириш;

-ташқи аудиторга кўмаклашиш;

-лавозим йўриқномасига мувофиқ бошқа масалаларга кўмаклашиши шарт.

Аудит хизмати текширувлари жараёнида аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисида банк Кенгашига ахборот бериши лозим. Аудит хизматини бош ички аудитор бошқаради ва у банк департаменти раҳбари мақомига эга. Ички аудит хизмати Аудиторлик текшируви режасининг бажарилиши тўғрисида банк Кенгаши ва Аудиторлик қўмитасига қуйидаги ахборот бериб бориши шарт:

- ҳар чоракда Аудит хизмати фаолияти натижалари тўғрисида Аудиторлик қўмитасига ҳисобот бериб бориш;

- ички аудиторлар ишларини мувофиқлаштириш;

- ташқи аудиторга кўмаклашиш;

- лавозим йўриқномасига мувофиқ бошқа масалалар.

Аудит хизматининг мустақиллигини таъминлаш мақсадида Аудит хизмати ходимларининг иш ҳақлари банк Кенгаши томонидан белгиланади. Бош аудитор ҳар йили Аудит хизматининг йиллик харажатлар сметасини

ишлаб чиқиши ва уни банк Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этиб бориши лозим. Банк Кенгаши Аудит хизмати харажатлар сметасига истисноли ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, банк Кенгашининг қарорига кўра Аудит хизмати ходимларини қўшимча моддий рағбатлантириш назарда тутилиши мумкин.

Аудит хизмати ходимлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:

- бажараётган вазифалари характерига мос бўлган олий маълумотга эга бўлишлари;

- банкнинг пул муомаласи, кредит, валюта, депозит операциялари ёки бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлимларида камида бир йил иш стажига эга бўлишлари керак. Бош аудитор учун банкнинг юқоридаги бўлимларида камида уч йил ёки тижорат банкида раҳбарлик лавозимида камида бир йил иш стажига эга бўлиш талаб этилади;

- банк қонунчилиги соҳасида билимларга эга бўлишлари, шу жумладан Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларини билишлари;

- республикада белгиланган бухгалтерия ҳисоби ҳамда умумқабул қилинган бухгалтерия ҳисоби ва аудит халқаро стандартлари қоидаларини қўллаш бўйича билимларга эга бўлишлари, шунингдек халқаро стандартлардаги ўзгаришларга мувофиқ махсус курсларда мунтазам ўқишни ўтказишлари.

Аудит хизмати ишининг самарадорлиги ва монандлигини таъминлаш мақсадида аудиторлик текшируви режаси банк Кенгаши томонидан бир йилда камида бир марта тегишли йилнинг 1 январига қадар қайта кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим. Тижорат банкларида ички аудит бир йилда камида бир марта ўтказилиши лозим. Банк ҳар чоракда Марказий банкка банк Кенгаши томонидан тасдиқланган ички аудит ҳисоботлари нусхаларини, шунингдек ўз ичига қуйидагилар тўғрисидаги маълумотларни олган, тақвимий йил якуни бўйича ўтказилган банк аудити бўйича йиғма ҳисоботни тақдим этиши лозим:

- ички назорат тизимининг монандлиги ва самарадорлигини текшириш ва баҳолаш;

- таваккалчиликларни бошқариш жараёнлари ва таваккалчиликларни баҳолаш услубиётининг қўлланилиши ва самарадорлиги таҳлили;

- бошқарув ва молиявий ахборотлар тизими, шунингдек электрон ахборотлар тизими ва банк электрон хизматлари таҳлили;

- ҳисоб ёзувлари ва молиявий ҳисоботнинг (шунингдек нашр этилган) аниқлиги ва ишончлилиги таҳлили;

- таваккалгиликка нисбатан капитални баҳолаш бўйича банк тизими таҳлили;

- ички назорат аниқ тартибининг, масалан, манфаатлар тўқнашиву соҳасидаги операциялар ва ишлаш тизимини синовдан ўтказиш;

- қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабларига, ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, қоида ва тартибларни татбиқ этиш;

- республика қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоботларнинг бутунлиги, ишончлилиги ва ўз вақтида тузилишини текшириш;

- махсус текширувлар ўтказиш (масалан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши таъсир кўрсатиш соҳасида).

Хуллас, ички аудит корпоратив бошқарув, назорат ҳамда рискларни бошқаришни баҳолаш ва уларнинг самарадорлигини оширишга нисбатан тизимга солинган ва пухта ташкил этилган ёндашув орқали қўйилган мақсадларга эришишга ёрдам беради.

1.2 Тижорат банкларида пассив ва актив операциялари аудитини амалга ошириш тартиби.

Тижорат банкларида пассив ва актив операциялари аудитини амалга ошириш тартиби бош бпнк ва филиал фаолиятини аудитдан ўтказиш банк Кенгаши томонидан тасдиқланган “аудит хизматининг филиаллар фаолиятини аудитдан ўтказиш бўйича текшириш режаси”га асосан амалга оширилади. Текшириш режасига бош банк ва унинг барча филиаллари киритилган бўлиши лозим. Филиалларда аудит ўтказиш бўйича аудит хизмати ходимлари сафидан аудит ўтказучи ишчи гуруҳи тузилади ва унга ушбу гуруҳ аъзоларидан бири гуруҳ раҳбари этиб тайинланади. Гуруҳ раҳбари мазкур гуруҳ ишини ташкил этади ва уни муофиқлаштиради, гуруҳ аъзоларига аудит ўтказиш бўйича топшириқларни тақсимлайди, улар томонидан тайёрланган материалларни умумлаштиради ва ушбу материаллар учун жавобгар ҳисобланади. Текширилаётган филиалдаги вазият ва муаммолар ҳақида вақти-вақти билан бош аудиторни хабардор этиб туради.

Умуман олганда тижорат банкларида ички аудит текширувларини ўтказиш босқичлари қуйидагилардан иборат (**1-иловага қаранг**) :

1. Аудитни текширувларини режалаштириш ва тайёрлаш;

2. Аудит текширувларини бажариш ва ишчи ҳужжатларда расмийлаштириш;

3. Аудиторлик хулосасини тайёрлаш ва ёзиш.

Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига кўра аудит жараёнини режалаштириш аудит ўтказишнинг биринчи босқичи ҳисобланади

унда аудиторлик текширувини ўтказиш графиги, унда амалга ошириладиган иш кўлами ҳамда тешириш циклининг муддатлари белгилаб олинади. Аудит жараёнини режалаштириш босқичи ўз навбатида уч қисмдан иборат бўлади. Демак, аудит текширувларини ўтказишининг биринчи босқичида асосий эътибор қуйидаги;

- ✓ дастлаки режалаштириш,
- ✓ аудит режасини тайёрлаш,
- ✓ аудит дастурини тайёрлаш

масалаларига аудиторлар алоҳида тартибда ёндашади.

3-чизма.




Дастлабки режалаштиришда аудиторлар гуруҳи асосан дастурий-услубий масалаларга эътиборни қаратади ва унда аудитни ўтказиш бўйича

йўриқнома тайёрлаш, аудит бюджетини тузиш, ташкилий бошқарув тизимини таҳлил қилиш, молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг таҳлилий услубини яратиш, текширув мақсади, вазифалари ва мезонлари аниқлаштирилади. Аудитни текширувларини режалаштиришнинг иккинчи қисмида аудит режасини тайёрлаш бўйича асосий урғу дастлабки таҳлил ва ташкилий масалаларда ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш, бухгалтерия тизимини баҳолаш, аудиторлик рискларини мақбул даражасини белгилаш, муҳимлилик кўрсаткичларини аниқлаш, аудиторлар гуруҳини тайёрлаш, аудит объектларини тақсимлаш, аудит режаси билан гуруҳ аъзоларини таништириш, текширув объекти бўйича дастлабки маълумотларни тўплаш жараёнлари амалга оширилади. Тижорат банкларида аудит ўтказишнинг дастлабки босқичи яқини ички аудит хизмати томонидан ишлаб чиқилган “Аудиторлик ишчи дастури” ҳисобланади (2-иловага қаранг). Мазкур ишчи дастур “Марказий банкнинг тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низомига ҳамда аудиторлик фаолиятига тегишли меъёрий ҳужжатларга асосан ишлаб чиқилади.

Бизнинг фикримизча тижорат банкларида аудит ўтказишнинг иккикчи амалий босқичида яратилган аудиторлик ишчи дастурига муофиқ банк амалиётлари аудитини амалга оширишда қуйидаги тартиб жараёнларини аудит текширувини амалга оширишнинг бош мезони сифатида баҳоламоқ керак.

4-чизма.



Ўз навбатида мазкур амалиётлар ўз объектига эгадир ва у аудиторнинг ишчи дастури бўлиб ҳисобланади.

Операцион амалиётлар аудити-банк фаолиятида амалга ошириладиган пассив ва актив амалиётларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳамда уларни амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган банк

фаолиятининг таваккалчилик даражасини аниқлашдан иборат. Ва бу таваккалчилик объекти қуйидаги камчиликлар билан изоҳланади:

- банк фаолиятида тўғри иш ташкил қилинмаслиги,
- банк ички фаолияти тартиби қоидаларининг мавжуд эмаслиги,
- хизмат вазифаларининг ишлаб чиқилмаганлиги,
- имзо ваколатларига амал қилинмаслиги,
- амалга оширилган операциялар ҳисобининг ўз вақтида амалга оширилмаслиги,
- рухсат, назорат ҳамда таъсидиқ имзоларининг мавжуд эмаслиги,
- ишчи ходимларнинг эътиборсизлиги натижасидаги камчиликлар.

Тижорат банкларининг актив операциялари аудити қуйидаги **объектлар** бўйича олиб борилади.

- ❖ касса операцияларини ва унинг ташкил қилинишини аудит қилиш,
- ❖ инкассация ишларини ва унинг ташкил қилинишини аудит қилиш,
- ❖ валюта операциялари ва унинг ташкил қилинишини аудит қилиш,
- ❖ хорижий валюта қолдиқларининг қайта баҳоланишини, очик позициялар ҳисоби ва лимитларга риоя қилинишини аудит қилиш,
- ❖ пул муомаласи операцияларини аудит қилиш,
- ❖ банкнинг “ностро” ва “лоро” ҳисобварақлари ҳисобини аудит қилиш,
- ❖ олди-сотди қимматли қоғозларини аудит қилиш,
- ❖ инестициялар ҳисобини аудит қилиш,
- ❖ кредит операцияларини аудит қилиш,
- ❖ лизинг операцияларини аудит қилиш, факторинг операцияларини аудит қилиш,
- ❖ асосий воситалар ҳисобини аудит қилиш,
- ❖ номоддий активлар ҳисобини аудит қилиш,
- ❖ кам баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар ҳисобини аудит қилиш,
- ❖ ҳисобланган даромадлар ҳисобини аудит қилиш,
- ❖ бошқа дебиторлик қарзлари ҳисобини аудит қилиш,

Пассив операциялар аудитининг объекти эса қуйидагиларга қаратилади.

- ❖ депозит операцияларини аудит қилиш,
- ❖ пластик карточкалар ҳисобини аудит қилиш,
- ❖ олинган кредитлар ҳисобини аудит қилиш,
- ❖ ҳисобланган харажатлар ҳисобини аудит қилиш,
- ❖ кредиторлик қарзлари ҳисобини аудит қилиш,
- ❖ банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар ҳисобини аудит қилиш,

- ❖ банк хусусий капиталини ҳисобини аудит қилиш,
- ❖ акциядорлар реестрининг юритилишини аудит қилиш,
- ❖ банк устав капиталини ўзгартирилганини аудит қилиш.
- ❖ таъсисчилар билан дивидендлар бўйича ҳисоб-китоблар аудити;
- ❖ солиқ мажбуриятлари ҳисобини аудит қилиш

Аудит ўтказивчи ишчи гуруҳи текшириш режалаштирилган Бош банк ёки филиал фаолиятини аудит текшириш ўтказишдан олдин, текшириладиган банк муассасида унинг аҳволи фаолиятини тавсифловчи илгариги текширув материаллари билан танишиб чиқишлари лозим. Бунда асосан филиал қайси сохалар бўйича камчиликларга йўл қуйганини ва бу камчиликларни қанчалик даражада бартараф етилганлигига эътибор қаратлади.

Пассив ва актив операциялари аудитини амалга ошириш жараёнида Марказий банк томонидан чиқарилган қонун-қоидалар, низомлар, йўриқномалар ҳамда “давлат дастурлари”ни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги жараёнлар ҳам ҳисобга олинади: Демак, тижорат банкларининг пассив ҳамда активлари аудитини амалга ошириш тартибида дастлаб қуйидагиларни текшириш мақсадга мувофиқдир :

- ❖ банк кенгаши томонидан ишлаб чиқилган “ички назорат хизмати” вазифалари билан танишиш,
- ❖ мазкур аудит текшируви ўтказилаётган даврга тегишли бўлган бош банк томонидан ишлаб чиқарилган ҳисоб сиёсати билан танишиш,
- ❖ бош банк томонидан ишлаб чиқилган ички низомлар билан танишиш,
- ❖ бош банк томонидан ишлаб чиқилган имзо ваколатларининг даражасининг тақсимланиши,
- ❖ банкнинг маъмурий бошқарув харажатлари сметасининг ҳолати билан танишиш,

Шу билан бир қаторда

- иқтисодий меёрларга риоя қилинишини аудитдан ўтказиш,
- “давлат дастурлари”ни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган тегишли фондларни ташқил этилганини аудитдан ўтказиш,
- давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағларининг мақсадли ҳамда самарали йўналтирилганини аудитдан ўтказиш,
- солиқ ҳисоби ва солиқ имтиёзларини аудит қилиш масалалари ҳам текширилади.

Актив ва пассив операциялар аудитини ўтказишда аудиторлар гуруҳи текширилаётган филиалда бевосита ички назорат ходими билан ҳамкорлик ўрнатади ва тегишли равишда ички назорат тизими фаолиятига ҳам баҳо беради. Маълумки, банк ички назорат бўлими банк фаолиятини назорат

қилишнинг доимий ва оператив усилдир. Бунда ички назоратнинг зарурий даражасига эришиш учун банкда қуйидаги асосий тамойил ва услублар мавжуд бўлиши керак:

- самарали ташкилий тузилма;
- тегишли йўналишдаги бухгалтерия сиёсати ва услублари;
- активларни сақланишига оид зарурий услублар;
- ички аудитнинг самарали дастури.

Банкда ўтказиладиган ҳар бир операция текширилиб, уларнинг қонуний расмийлаштирилиши ҳамда маблағлар ва бойликлар бут сақланиши тегишлича назорат қилиниши таъминланмоғи лозим.

Аудиторлик текшируви жараёнинг охириги учинчи босқичи аниқланган хато ва камчиликларнинг сабаблари ва мазкур ҳолатларни тузатиш чоралари бўйича аудит натижалари бирлаштирилади ватекширув натижаларига асосан тегишли тартибда хулоса шакллантирилади. Амалиётда ички аудит бўйича аниқланган камчиликлар аудитор томонидан аудиторлик далолатномасида акс эттирилади ва у оралиқ далолатнома билан расмийлаштирилади ва унда бош банк ёки филиалларда пассив ва актив операциялар аудит текширивудан ўтказилганда, қуйидаги масалалар ёртиб берилиши лозим:

- Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига риоя қилинишини;
- Бош банк ёки филиалнинг иқтисодий-меъёрий кўрсаткичларини, маблағлар етарлилигини, ликвидлигини, активлар сифатини;
- Кредиторлар ва омонатчилар олдидаги ўз мажбуриятларини бажара олаётганини;
- Банкларнинг депозит, кредит, пул муамаласи, ҳисоб-китоб, касса, валюта ва бошқа операциялари бўйича ўтказилган амалларни тўғри ва асослилигини;
- Ички назорат аҳволини, тузилаётган ҳисобатларнинг ўз вақтида ва тўғри тузилиб, тегишли жойларга тақдим етилаётганлиги;
- Ходимларнинг ижро интизоми;
- Филиал раҳбарининг банк ишини қай даражада ташкил қилганини ҳамда банк даромадларини ошириш ва харажатларни камайтириш борасида олиб бораётган ишларини аниқлашдан иборатдир.


II-боб. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида пассив ва актив операциялари аудитининг жорий ҳолати таҳлили.

2.1. Тижорат банклар актив операциялари аудити таҳлили.

Тижорат банклар активлари аудитини таҳлил қилишдан олдин дастлаб мазкур тижорат банкнинг консолидициялашган йигма бухгалтерия баланси актив моддаларининг таҳлилини ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

1-диаграмма.

ОАТБ «Ҳамкорбанк»нинг 31.12.2011 йил ҳолатига баланс актив моддалари таркибий тузилиши



Биз таҳлил этаётган ОАТБ “Ҳамкорбанк”нинг жами активлари жорий йилда 530119249 минг сўмни ташкил этмоқда ва унинг 54.64 фоизи кредит ва лизинг операцияларига тўғри келиб, соф қийматда 289681772 минг сўмни ташкил этмоқда. Банк активларининг таркибида кейинги ўринда 16.77 фоизлик улушда вакиллик ҳисобварағидаги пул маблағлари турмоқда. Касса активлари қолдиғи эса 11.85 фоизни ташкил этиб, 62795285 минг сўмни ташкил этмоқда. Банк активлари таркибида мижозларга берилган кредитларга ҳисобланган дебиторлик қарзлари 0.41 фоизни ташкил этиб, 2163378 минг сўмлик қийматга эга. Мазкур миқдорнинг камлиги банкдан кредит олган мижозлар томонидан ўз вақтида фоиз тўловларини амалга ошираётганлигидан далолат беради. Тижорат банкининг даромад келтирмайдиган активларидан бири саналган асосий воситаларга қилинган қўйилмалар миқдори 18217799 минг сўмни, яъни жами активларнинг 3.44 фоизини ташкил этмоқда. Бундан кўришимиз мумкинки банкда асосий воситаларга қилинган қўйилмалар миқдорининг камлиги ижобий ҳолдир ва

бунга сабаб тижорат банки филиаллари қошида фаолият юритаётган минибанкларнинг ижара эвазига фаолият юритаётганлиги билан изоҳланади. Банк активлари таркибидаги банкнинг бошқа хусусий мулклари таркибида кредит ва лизинг ҳисобидан ундирилган мулклари брутто қийматда 2259641 минг сўмни ташкил қилмоқда ва унинг мавжудлиги банк фаолияти учун салбий ҳолат ҳисобланади. Банк томонидан мазкур активлар реализациясини амалга ошириш мақсадга мувофиқ саналади.

Актив операциялар билан боғлиқ амалиётлар аудитида аудитор томонидан асосий урғу қуйидаги объектларга қаратилади:

- Касса операциялари ишини аудит қилиш;
- инкассация ишларини ва унинг ташқил қилинишини аудит қилиш,
- банкнинг маҳаллий ва хорижий банклардаги ҳисобварақлари ҳолатини аудит қилиш;
- олди-сотди қимматли қоғозларини аудит қилиш;
- банк активлари портфели аҳволи, жумладан ссудаларни таснифлашда фойдаланилган мезонлар кўрсатилган ҳолда муддати ўзайтирилган қарздорликлар;
- ссудаларни таснифлаш асосида активлар сифати ва заҳираларни яратиш;
- баланс ва балансдан ташқари моддаларнинг таркибидаги ўзгаришларнинг асосий тенденциялари, фоиз ставкаси ва валюта рискни бошқариш бўйича чоралар;
- кредит сиёсати ва унинг талабларининг бажарилишини аудит қилиш;
- лизинг операцияларини аудит қилиш;
- факторинг операцияларини аудит қилиш;
- суд жараёнидаги кредит ва лизинг операцияларини аудит қилиш;
- инвестиция билан боғлиқ операцияларини аудит қилиш;
- активлар бўйича ҳисобланган фоизларни аудит қилиш;
- асосий восита ва номоддий активлар ҳисобини аудит қилиш;
- валюта савдоси ва валюта операцияларини аудит қилиш;
- бошқа дебиторлик қарзларини аудит қилиш;
- йиллик маъмурий-бошқарув харажатлар сметасининг амал қилинишини аудит қилиш;
- мазкур ҳисобот йилидаги инвентаризация натижаларини аудит қилиш;

Ва албатта, банкларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига риоя қилинишини ва бажарилган операцияларнинг 2008 йил 11-июлда Адлия Вазирлигидан 1834 сон билан рўйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил

қилиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома талабларига мослик даражасини аудитдан ўтказиш лозим.Хусусан;

- активларни баҳолаш тизими;
- амалдаги қонунчилик асосида харажатларни ҳисоблаш усули;
- олди-сотди қимматли қоғозларни баҳолаш учун асослар;
- инвестицион портфелни шакллантириш;
- хорижий валютани конвертирлашнинг белгиланган тартибига риоя

қилиши;

—ҳаракатда бўлган ва ҳаракатда бўлмаган асосий воситаларнинг амортизацияси;

- лизинг операцияларини молиялаш;
 - факторинг операцияларини молиялаш
- каби ҳолатлар қабтий назоратга олинади.

Ҳозирги кунда 1834-сонли йўриқноманинг бажарилиши бўйича аудит текширувидаги асосий хато ва камчиликлар куйидагилардан иборат:

✓ минибанклар томонидан амалга оширилган операциялар бўйича шакллантирилган тўлов ҳужжатларнинг асл нусхалари филиалга келтирилмасидан аввал бош бухгалтер томонидан электрон тўлов ҳужжатлари тасдиқланмоқда ва операциялар амалга оширилиш ҳоллари;

✓ банкнинг кунлик бухгалтерия ҳужжатлари йиғма жилдида чел эл валютасидаги кунлик ҳужжатлар реестри тўлиқ шакллантирилмаган;

✓ кунлик бухгалтерия ҳужжатларидаги тўлов ҳужжатларида саналар, ҳужжатнинг тартиб рақамлари ҳамда тўлов суммалари сўз билан нотўғри ёзилган;

✓ мижозлар билан тузилган ҳисоб-касса хизматини кўрсатиш шартномасидаги шартларнинг бажарилмаслиги, хусусан воситачилик фоизларининг бузилиш ҳоллари, мижоз фаолиятини тасдиқловчи маўаллий ҳокимиятлардан олинган гувоҳномаларнинг муддати тугаган бўлсада банк томонидан мижозга хизмат кўрсатилиш ҳолатлари;

✓ банкнинг маъмурий-бошқарув харажатларининг базиларида банк бошқарувчисининг тўловга рухсат тўғрисидаги имзосининг мавжуд эмаслиги;

✓ муҳрлар ва штамплар ҳисобини юритиш китоби тўлиқ юритилмаган.

Активларнинг молиявий ҳисоботларда акс эттирилган қиймати аудиторлар томонидан мунтазам равишда ҳақиқатда мавжуд бўлган активлар қиймати билан солиштирилади ва аниқланган ҳар бир тафовутлар бўйича ўз вақтида чоралар кўрилиши юзасидан аудитор ўз талифларини баён этади..

Касса операциялари аудити тижорат банкининг активлари аудитида аудиторлар томонидан текшириладиган дастлабки объект ҳисобланади ва

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 27 июнда 1831-сон билан рўйхатга олинган Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 17 майдаги 12/2-сонли қарори билан тасдиқланган **“Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир Йўриқнома”** бўйича иш ташкил этилганлигини ва касса амаллари бўйича ички тартибларга риоя этилиши текширилади.

Банк кассаларидаги мавжуд пул ва бойликлар тўсатдан, бир куннинг ўзида, барча бойликлар, улар билан ўтказиладиган операциялар, пул ва бойликлар санаш чоғида бут сақланишини тўлиқ аудит қилиш имкониятини таъминлайдиган ҳамда бойликлар яширилиши, пул ва бошқа бойликлардан камомад борлигини яширишга имкон қолдирмайдиган изчилликда аудит қилинади.

Аудит қилиш бойликлар бут сақланиши учун жавобгар бўлган мансабдор шахсларнинг иштирокида ўтказилиши ҳамда банк муассасаларида операциялар амалга оширилишининг одатдаги маромини бўзмаслиги керак.

Касса ва касса операцияларини аудит қилишда аудитор қуйидагиларни аниқлаши зарур:

- касса операциялари кирим-чиқим ордерлари билан расмийлаштирилиши, ўз вақтида ва тўғри тўзилиши, пул қабул қилинган ва берилган саналар, ҳамда унинг асоси кўрсатилиши, чиқим ҳужжатларида тегишли имзолари борлиги;

- каътий ҳисобда турадиган бланкалар ҳисобинининг юритилиш тартиби;

- савдо тушумларининг кечки кассаларга қабул қилиниши ва уларнинг қайта санаш кассасига тўғри ўтказилиш тартиби;

- касса ҳолатига баҳо бериши;

- касса журналининг ўз вақтида тўғри ва тўлиқ юритилиши;

- гаров мулки ва кафилликларнинг ҳисоби ва уларнинг сақланиши;

- депонентдаги суммалар банкка тўлиқ ва ўз вақтида топширилиши, кассадаги нақд пул кундалик қолдиғининг банк белгилаб берган лимитига риоя қилиниши ва улар бут сақланиши қандай таъминлангани;

- кассирнинг моддий жавобгарлик ҳақида касса операцияларини ўтказиш тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланган шаклда тузилган мажбуриятномасининг мавжудлиги;

- касса ҳужжатлари аудит ўтказилаётган давр бўйича тўлиқ текширишдан ўтказилади. Касса ҳужжатларини текширилиши бирданига касса, ҳамда молия тартибларига риоя қилиниши текширилиши ҳисобланади;

Аудитор томонидан касса ҳолатини аудит қилиш жараёнида бегона шахслар томонидан касса тармоғи жойлашган жойни кузатишлари ва

ўрганишлари учун имконият яратилмаган бўлиши лозим. Айниқса касса тармоғига кириш эшигининг иш куни давомида ичкаридан ўзи ёпилиб қолувчи қулф билан беркитилган бўлиши ҳамда унга ташқарини кўриш учун махсус туйнук ўрнитилганини, касса ходимлари ўзларининг шахсий кийимлари, сумкалари ва қимматликларини сақлаш учун алоҳида хонанинг мавжудлиги, операцион кассаларнинг кабиналари ўртасида дарчалар мавжуд бўлса, уларнинг ҳар иккала томонига қулфловчи мосламалар ўрнатилиши лозимлигини, пул сақлаш омборининг темир эшиклари, хонада мавжуд стеллаж ва сейфларнинг ҳолати ва ҳар бир валютанинг алоҳида сейфларда сақланиши учун яратилган шароитларни, шунингдек, касса бўлими калитларининг тегишли раҳбар ходимларда сақланишини алоҳида тартибда текширади.

Бугунги кунда касса операциялари аудитида аниқланган асосий хато ва камчиликлар қуйидагилардан иборат:

✓ жойларда филиалнинг “Чакана бизнес” бўлими таркибидаги аҳоли омонатлари талабини қондиришга мўлжалланган операцион кассаларга нақд пуллар нақд пул олиш бўйича талабномалар шакллантирилмасдан пул маблағлари олиб ўтилган;

✓ айрим ҳолларда касса ҳужжатларида ё мижоз, ёки касса ходимларининг имзоси мавжуд эмас;

✓ мижозларга чек орқали нақд пул берилганда, улар томонидан ишончли вакил номига нақд пулни олиш ишончномаларининг мавжуд эмаслиги, имзоларнинг мос келмаслик ҳоллари;

✓ минибанклар томонидан нақд пул тушумларининг ўабул қилиниши;

✓ мижозларга нақд пул берилаётганда мижоз томонидан чекнинг банк Фронт офис бўлиmidан Мидлл офис бўлимига ва ундан кейин кассага тўғридан тўғри тақдим этилиши кузатилмоқда;

✓ чекларнинг талон қисми касса мудир томонидан ўз вақтида тикилмаган ва ёки умуман тикилмаган;

✓ минибанкларга мадад пулларини еиказиб бериш банкнинг фойдаланишда бўлган хизмат автомашиналари орқали мустақил равишда етказилиб берилиши ҳоллари. Валюта маблағлари бош банк фармойишига асосан Тошкент шаҳридан вилоят филиалларига самалиётда олиб келинмоқда, бироқ аэропортдан филиал касса тармоғига ҳам банкнинг фойдаланишда бўлган хизмат автомашиналари орқали мустақил равишда етказилиб берилиши ҳоллари кузатилмоқда;

✓ аксарият юридик шахслардан касса буюртманомалари олинмаган ҳолда айланма кассадаги нақд пул лимити асосиз равишда ўрнатилмоқда.

Юқоридаги санаб ўтилган камчиликлар асосан актив операциялар билан боғлиқ бўлган операцион риск омилини юзага чиқармоқда.

1-жадвал

Касса амалиётлари операциялари ҳисобидаги хатоликлар.

Операция мазмуни	10111		Бирламчи ҳужжатдаг и номери	10101		Асос
	Дебет	Кредит		Дебет	Кредит	
А минибанкдан бош кассага		50000	4-сонли ККО	150000		4-сонли ККО
Б минибанкдан бош кассага		100000	5-сонли ККО			5-сонли ККО
В минибанкдан бош кассага		20000	6-сонли ККО	20000		6-сонли ККО
Г минибанкдан бош кассага		250000	7-сонли ККО	250000		7-сонли ККО
Д минибанкдан бош кассага		100000	8-сонли ККО	100000		8-сонли ККО
Жами		520000		520000		

Жадвалда кўрсатилаётган камчиликнинг сабабчиси касса амалиётлари бўйича маъсул ижрочи бухгалтер бўлиб, тўртинчи ва бешинчи сонли кирим касса ордерлари бўйича тегишли ҳисобларни киритишда, мазкур амалиётларнинг асосини бузиб кўрсатган, яъни бешинчи сонли кирим касса ордеридаги маблағларни тўртинчи сонли кирим касса ордери асосида кирим қилган.

Тижорат банклари касса амалиётларида кузатилаётган яна бир камчилик касса мудирини ва кассирлар томонидан қабул қилиб олинган ва топширилган пул суммаларини ўзида акс эттирувчи 155-шаклдаги китобнинг умуман юритилмаслиги ҳам тижорат банкларида касса ишлари бўйича тўғри иш ташкил этилмаётганлигидан далолат беради. Шу билан бир қаторда 1831-сонли йўриқноманинг 229 бандида келтирилган талабларга, яъни кунлик касса ҳужжатларининг шакллантирилиш тартибида аниқланаётган камчиликлар бўйича банкларда ички назорат ва сўнгги назорат тизимини кучайтириш каби тавсиялар берилди.

Валюта операциялари аудитида тижорат банкларида валюта алмаштирув пунктлари фаолиятлари бўлимнинг экспорт ва импорт фаолиятига хизмат кўрсатиш ҳамда валюта маблағларини қайта баҳолаш

операцияларига алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бир қаторда операцияларини текширишда асосий эътибор қуйидагилар кузатув остига олинади:

- валюта ҳисобрақамларини очилиш тартиби ва ҳужжатларнинг тўлиқлиги;

- экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга олиш бўйича очилган ҳисобрақамлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг тўғри олиб борилиши;

- чет эл валюталарида амалга оширилган операцияларнинг ўз вақтида ва тўғри ўтказилгани;

- валюта операциялари бўйича даромад ва харажатларнинг ҳисобланиши ва ҳисобнинг тўғри олиб борилиши.

- валюта ҳисобварағидаги валюта маблағларининг ўз вақтида ва тўғри қайта баҳоланиши:

- экспорт ва импорт шартномаларини ҳисобга олишда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига қатъий амал қилиниши;

- бошқа банк муассасаларидан инкассаторлар орқали келган чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари тўлиқ кирим қилингани, алоқа органларидан чет эл валютаси бўлган жўнатмаларни олиш тартибига риоя қилиниши текшириш;

- резидентларга чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларини сотишнинг амалдаги қоидалари ва меъёрларига риоя этилиши;

- валюта айирбошлаш шахобчаси ишининг тўғри ташкил этилганлиги, жумладан валютанинг ҳисоби тўғри юритилиш бўйичтегишли дафтарда ўз вақтида ва тўғри қайд этилишини текшириш;

- сотиладиган валюта суммаси ҳисоб-китоб қилинганининг тўғрилиги, чет эл валютасини сотиш операциялари сотилган нақд чет эл валютаси ҳисобини юритиш бўйича тегишли шаклдаги дафтарда ўз вақтида ва тўғри қайд этилиши текширилади;

- сотиладиган валюта айирбошлаш шахобчаининг сотилган чет эл валютаси ҳисобини юритиш дафтаридида тўғри кўрсатилгани;

- чет эл валютасини республикадан ташқарига олиб чиқишдаги рухсатнома тўғри расмийлаштирилгани;

- валюта сотилганда воситачилик ҳақи ундирилгани;

- хизмат сафари харажатлари учун ташкилотлар ва корхоналарга чет эл валютаси сотишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши;

• чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларини Ўзбекистан Республикасининг бошқа банкларига ёки бевосита чет эл банкига жўнатиш бўйича операцияларнинг тўғрилиги ва асосли эканлиги;

Нақд чет эл валютаси ва тўлов ҳужжатлари билан боғлиқ инкассо операциялари қуйидаги ҳужжатлар асосида аудит қилинади:

- резидент ва норезидентлардан нақд чет эл валютаси ва тўлов ҳужжатларини сўмда, ҳамда чет эл валютасида инкассо учун қабул қилишнинг тўғрилиги;

- инкассо операцияларининг тўғри расмийлаштирилиши, ҳамда унинг тегишли ҳисобварақларда ҳисобга олиниши.

ОАТБ “Ҳамкорбанк” ида валюта операцияларининг асосий салмоғи хорижий валютадаги пул ўтказмалари ташкил этади ва улар бўйича банк талабларини ҳисобга олувчи 19997(840) ва банк мажбуриятларини ҳисобга олувчи 29896(840) ҳисобрақамлар очилган. Мазкур амалиётларни текширишда пул ўтказмаларини ўтказиш тартиби бўйича уларнинг тўғри қабул қилиб ўтказилиши ва берилиши тартиби ҳам текшириб борилади. Жумладан, минибанклар томонидан кун охирида 19997(840) ва 29896(840) ҳисобрақамларининг тўғри ёпилиши ва унда қолдиқларнинг мавжуд эмаслигини текшириш лозим.

Валюта операциялари аудити текшируви натижаларида қуйидаги камчиликлар мавжуд:

✓ ВАШ амалиётлари бўйича мижознинг пулни олганлигини тасдиқловчи имзолар мавжуд эмас;

✓ Филиал биносида 2000 АҚШ долларидан 5000 АҚШ долларигача бўлган пул ўтказмаларида чакана хизмат сектори бошлиғининг имзоси мавжуд эмас;

✓ 5000 АҚШ долларидан юқори маблағларга доир пул ўтказмаларининг айримларида филиал бошқарувчисининг имзоси мавжуд эмас;

✓ Мижоз ҳисобрақамидаги миллий валютани чет эл валютасига конвертация усули билан алмаштириш бўйича тақдим этилган аризага банк бошқарувчиси имзоси қўйилмасдан ижро учун йўналтирилган.

Пул муомаласи ишларини аудити жараёнида аудит текшируви ўтказилаётган даврда амалда бўлган пул-кредит сиёсати ва Марказий банкнинг амалдаги йўриқномаларига муофиқлик даражаси текширилади ва бунда аудитор томонидан қуйидаги

- пул муомаласи ишининг қай даражада ташкил этилгани;

- пулнинг кассага қайтиш коэффицентининг асосли даражадалигини текшириш;

- ташқилотлар томонидан касса буюртмаларининг ўз вақтида ва тўлиқ йиғиб олиниши;

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нақд пул тушумларининг банкка топширилиш ҳисобини аудит қилиш;

- ташқилотларга иш ҳақи бериш жадвалларининг мавжудлиги ва унга амал қилишниши;

- хўжалик юритувчи субъектларга касса қолдиғи лимитларининг тўғри ва тўлиқ ўрнатилиши;

- савдо ва носавдо ташқилотларига нақд пул тушумларининг тўғри ўрнатилиши;

каби ҳолатлар ўрганилади ва тузилган касса прогнози Ўзбекистон Республикаси МБ Бошқарувининг 2005 йил 20 августдаги 18/1-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 10 октябрь 1518-сон билан руйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги йуриқномага асосан амалга оширилганлиги текширилади ҳамда аниқланган хатолар бўйича тегишли чоралар кўрилиши баён этилади.

Кредит операциялари аудити Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йилда 905-сонли рақам билан руйхатдан ўтган “Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида низом”, Адлия вазирлиги томонидан 2000 йилда 906-сонли рақам билан руйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида низом”и асосида кредит сиёсати қондарининг бажарилиши ва кредит ҳужжатларини расмийлаштирилишини текшириш билан бошланади. Лизинг операциялари аудити Ўзбекистон Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги қонуни ҳамда Марказий банк бошқарувининг “Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги 1648-сонли низоми ҳамда бош банк томонидан лизинг операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги ички кўрсатмалар асосида амалга оширилади.

Кредит операциялари аудитини амалга ошириш жараёнида аудиторлар банкнинг кредитлаш стратегиясига, ўрнатилган тартиблар ва ссуда портфелини жараёнлари бошқаришнинг мавжуд, жумладан, балансдан ташқари риск, масалан, акцептлар, аккредитивлар, кафиллик бериш ва ҳоказо фаолиятига алоҳида эътибор беришига қаратилади ҳамда қуйидаги жиҳатларни ички аудит ходимлари алоҳида қайд этиши лозимлиги таъкидланади:

—гаров қиймати ва бошқалардан келиб чиққан ҳолда хусусий мижозлар, банкка даҳлдор бўлган гуруҳларни кредитлашнинг ўрнатилган чегаралари, иқтисодиёт соҳалари, жуғрофий минтақалари;

—маълум мижозлар гуруҳи учун ўрнатилган чекловлар, ссудаларнинг белгиланиши ва уларнинг турлари, ссудаларни қоплашнинг максимал муддатлари ва мақбул таъминот турлари;

—қарз олувчининг молиявий аҳволи ҳақида ахборотларни олишга бўлган талаблар, шунингдек, қарз олувчининг молиявий аҳволи таҳлили;

—банк томонидан ўрнатилган кредитлаш меъёрларига риоя қилиниши;

—ссудалар ажратиш бўйича қабул қилинган қарорларга масъуллик;

—ссудаларни олиш жараёнлари, хужжатлаштириш, қоплаш, ссудаларнинг ишлатилишини кўзатиб бориш.

—фоиз ҳисоблаш тўхтатилган, ҳаракатда бўлмаган ссудалар ҳажми ҳамда муддати ўзайтирилган имтиёзли ссудалар ҳақида ахборотлар тўпланиб, тавсифланиши зарурлиги белгиланади.

Кредит ва лизинг операциялари банк активларининг асосий салмоғини ташкил этганлиги боис ҳам аудитор аввало мазкур опеацияларнинг таҳлилини амалга оширмоғи лозим.

2-жадвал.

Кредит ва лизинг қўйилмалари таркиби

№	Кўрсаткичлар	2010 йил 1 январь	2011 йил 1 январь	Йиллик ўсиш	Фоиз ҳисобида
1	Кредит ва лизинг қўйилмаси	220008538	299530359	79521821	26,5
2	Жами заҳира (12199-12999), (13099-13399), (14399-14999),(15099-15599), (15699-15799)	8885140	9848587	963447	9,7
3	Заҳиранинг капитал қўйилмасига нисбати. (%)	4	3,2	-	-
4	Кредит ва лизинг (соф) қўйилмаси. (жами қўйилма-жами заҳира)	211123398	289681772	78558374	27
5	Кредит ва лизинг қўйилмасининг жами активларга нисбати. (%)	51	54,6	-	-
6	Бошқа активлар	10289932	6451021	-3838911	-59,5
7	Жами активлар	412432812	530119249	117686437	22

Кўришиб турибдики жорий йилда банкнинг брутто кредит ва лизинг қўйилмалари 299530359 минг сўмни ташкил этмоқда ва унинг 288869654 минг сўми кредитларга, қолган 10660705 минг сўми лизинг операцияларига йўналтирилган маблағлар ҳисобланади. Банк мазкур активларга нисбатан 9848587 минг сўмлик эҳтимолий йўқотишларга қарши заҳира ташкил этган ва у кредит ва лизинг қўйилмасининг 3.2 фоизини ташкил этиб, халқаро талаблар даражасидадир. Умуман олганда, ОАТБ “Ҳамкорбанк” кредит портфели сифат жиҳатдан яхши кўрсаткичга эга эканлиги банкнинг эҳтимолий йўқотишларга қарши ташкил этиладиган операцион харажатларининг камайишига олиб келиши ҳам яхши натижадир. Бу эса кредит мониторинги фаолиятининг тўғри йўлга қўйилганлиги ва ўз вақтида амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

3-жадвал.


ОАТБ “Ҳамкорбанк” томонидан ажратилган кредитларнинг мижоз турлари бўйича диверсификацияси

Мижоз турлари	Кредит суммаси	Ҳиссада
I. Қисқа муддатли кредитлар		
-жисмоний шахслар	154834,135	0,1
-тадбиркорлар	33908675,57	20,3
-давлат корхоналари	3561185,105	2,3
-кичик бизнес субъектлари	45985738,1	29,7
жами	154834135	
II. Узоқ муддатли кредитлар		
-жисмоний шахслар	10186699,44	7,6
-тадбиркорлар	12733374,31	9,5
-давлат корхоналари	12733374,31	9,5
-кичик бизнес субъектлари	36189590,13	21
жами	134035519	
ЖАМИ	288869654	100

Банкнинг жами ажратилган кредитлари таркибида қисқа муддатли кредит қўйилмаларининг ҳажми 154834135 минг сўмни, узоқ муддатли кредит қўйилмаларининг ҳажми 134035519 минг сўмни ташкил этмоқда. Ажратилган кредитларнинг мижоз турлари бўйича диверсификациясида асосий салмоғ кичик бизнес субъектлари ҳисобланмоқда ва қисқа муддатли кредитлар улуш и 29.7 фоизни ташкил этиб, 45985738,1 минг сўмдан иборат. кичик бизнес субъектларининг узоқ муддатли кредитлар улуши 21 фоизни ташкил этиб, 36189590,13 минг сўмдан иборат.

2-диаграмма.

ОАТБ “Ҳамкорбанк” Самарқанд филиали томонидан соҳалар бўйича ажратилган кредитлар таркиби. (01.04.2012 йил ҳолатига)



Кўриниб турибдики, ОАТБ “Ҳамкорбанк” Самарқанд филиали томонидан соҳалар бўйича ажратилган кредит портфелининг қолдиғи 2012 йил 1 апрел ҳолатида 19983 млн сўмни ташкил этмоқда ва кредитлар 1061 та субъектга ажратилган ва унда асосий улуш савдо ва воситачилик соҳаларига ажратилган кредитлар бўлиб, у 9879 млн сўмни ташкил этмоқда. Иқтисодиётнинг реал қисмига ажратилган кредитлар саомоғи 3006 млн сўмни ташкил этиб, 12 та мижоз номига расмийлаштирилган. ОАТБ “Ҳамкорбанк” Самарқанд филиали томонидан соҳалар бўйича ажратилган кредитлар таркибида кўришимиз мумкинки, қишлоқ хўжалиги корхоналари

учун умуман кредитлар ажратилмаган. Таълим кредити учун эса 2 млн сум кредит маблағи ажратилган.

Кредит ҳужжатларининг расмийлаштирилиши Адлия вазирлиги томонидан 2000 йилда 906-сонли рақам билан ҳужжатда акс эттирилган “Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом қоидалари ва ички тартиб асосида кредит, кафолат, лизинг йиғма жилдлари шакллантирилади ва ажратилган кредит бўйича мониторинг йиғмажилди тегишли даврларда ўрганилиб шакллантирилиб борилади.

Аудитор кредит операциялари ҳужжатларининг аудитини амалга ошириш жараёнида, кредит йиғмажилди аудитида қуйидагиларга алоҳида эътибор беради:

- ❖ Мижоз тақдим этган аризада банк бошқарувчисининг рухсат имзосининг мавжудлигини;

- ❖ Бизнес план ва унинг асосий кўрсаткичларининг тўлиқ ёритилганлигини;

- ❖ Мижознинг молиявий ҳисоботларининг мавжудлигини текшириш;

- ❖ Келиб тушган ариза бўйича кредит инспекторининг хулосаси мавжудлигини, бунда албатта хулосага мижознинг анализ кўрсаткичлари илова қилинганини текшириш;

- ❖ Кредит комиссияси йиғилиши мажлис баённомасининг мавжудлиги;

- ❖ Кредит шартномасининг мавжудлигини ва кредит шартномаси юзасидан юрист хулосасининг мавжудлигини;

- ❖ Гаров объекти бўйича “Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри” давлат қўмитасининг вилоят, шаҳар, туман унитар корхонаси томонидан олинган гувоҳнома нусхаси мавжудлиги;

- ❖ Баҳолаш далолатномаси мавжудлиги (мустақил ҳамда банк иши баҳоловчилари томонидан тузилган);

- ❖ Гаров шартномасининг мавжудлигини;

- ❖ Гаров шартномаси юзасидан юрист хулосасининг мавжудлигини;

- ❖ Суғурта компанияси томонидан суғурта полисининг мавжудлигини, унинг амал қилиш муддатининг кредитнинг амал қилиш муддатига тенглигини;

- ❖ Давлат нотариуси томонидан гаров объектига қўйилган таъқиқноманинг мавжудлигини кузатув остига олинад.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кредит ҳужжатларини расмийлаштиришда кредит йиғмажилди шакллантирилгандан сўнг кредит мониторинги йиғмажилди билан боғлиқ муаммолар кўп кузатилмоқда. Бунда аудитор асосан қуйидагиларга эътиборни қаратмоғи лозим:

- Мижоз молиявий ҳисоботларининг ҳар чоракдаги анализ натижаларининг мавжудлигига,
- Берилган кредитнинг айланиш коэффициенти, корхона маблағларининг айланиш коэффициенти, унинг даромадлилик даражасининг ўрганилганлигини,
- Шартномаларнинг бажарилиш даражаси, бунда аудитор счёт фактуралар орқали назорат қилади,
- Корхона уставининг ўзгарганлиги ёки аксинчалиги,
- Мижознинг маҳаллий ҳокимиятдан ўтган гувоҳномасининг муддатининг янгиланишини текширишни,
- Суғурта полиси, агарда суғурта полиси янгиланса, олдинги даврлардаги муддатлар кредит муддатларига тенглаштирилган бўлса,
- Ҳар уч ойда гаров мониторингининг ўтказилганлигини,
- Кредитнинг мақсадли ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги,
- Кафиллик шартномаларининг янгиланиши кузатилган бўлса, уларнинг мавжудлигини,
- Муаммоли кредитлар бўйича миқдорга оғоҳлантириш ҳолатларининг юборилганлигини,
- Умидсиз кредитлар бўйича суд органларига мурожаат қилинганлигини кўрсатувчи ижро ҳужжатлари ва ажрим хатларининг илова қилинганлиги каби ҳолатларни кузатув остига олади.

Бугунги кунда кредит амалиётлари билан боғлиқ муаммоларнинг асосий қисмида кредит ҳужжатларининг тўлиқ юритилмаётганлигига кредит мутахассисларининг етарлича билимга эга эмаслиги билан изоҳланади.

Аудиторлар томонидан аниқланган асосий камчиликлар қуйидагиларни ташкил этмоқда:

- ✓ Берилган кредитларнинг мақсадли ишлатилгани текширилмаган;
- ✓ Кредит шартномасидаги кредитни қайтариш муддати кредит портфелидаги кредитни қайтариш муддатлари билан тенглаштирилмаган;
- ✓ Суғурта шартномаси муддатлари кредит шартномаси муддатларига тенглаштирилмаган;

✓ Кредит мониторинги, яъни миждоз молиявий ҳолатларининг вақтида таҳлил этилмаганлиги натижасида эҳтимолий йўқотишларни баҳолаш захирасининг нотўғри шакллантирилганлиги;

✓ Миждозларга график асосида кредитни қайтариш бўйича огоҳлантириш хатлари берилмаган;

✓ Кўп ҳолатларда ажратилган кредитлар бўйича бир мартабалик комиссия тўловлар 45232 счётига бошқа тўловлар деб топширилган . Ким томонидан топширилганлиги кўрсатилмаган;

✓ Берилган кредитларни қайд этиш журнаliga тўлиқ амал қилинмаслиги;

✓ Кредитлар бўйича фоизларнинг ўз вақтида ҳисобланмаслиги, жумладан, очиқ линия кредитларининг ишлатилмаган қисмига фоиз тўловининг ҳисобланмаганлиги;

✓ Муддати ўтган кредитларни тегишли ҳисобварақларда акс этирилмаслик ҳолатлари кузатилмоқда.

4-жадвал.

Эҳтимолий йўқотишларга қарши ташкил этилган захира аудити.

(минг сўмда)

№	Миждоз номи	Берилган кредит қолдиғи	Филиалда ташкил этилган захира	Тавсия этилган таснифлан иш даражаси	Тавсия этилган захира миқдори	Фарқ
1	"DODIK ALOQA SERVIS" MCHJ	32 450	3245	10	3245	0
2	МЧЖ Темуrшох стил	13 256	1325,6	10	1325,6	0
3	"SAM CARPET TEXTIL" MCHJ	78 000	7800	25	19500	11700
4	"АЛИЖОН" ФИРМАСИ	9320	2330	10	932	-1398
5	"СУХРОБТРАНС-СЕРВИС ХАТУ" МЧЖ	22500	2250	10	2250	0
		155 526	16950,6		27252,6	10302

Текширув натижалари шуни кўрсатмоқдаки қилиалда кредит мониторинги ўз вақтида амалга ширилмаяпти, жумладан "SAM CARPET TEXTIL" MCHJга берилган кредит қолдиғи 78000 минг сўмни ташкил этмоқда ва филиал кредит ходими уни стандарт тасниф асосида эҳтимолий

йўқотишларга қарши 7800 минг сўм заҳира ташкил этган. Аммо аудитор тавсия этаётган таснифланиш даражаси субстандарт мезонлари бўйича баҳоланмоқда, яъни филиал томонидан 11700 сўмлик заҳира кам ажратилмоқда. "АЛИЖОН" фирмаси томонидан олинган кредит учун ажратилган заҳира миқдори эса 2330 минг сўмни ташкил этиб, тавсия этилаётган заҳирага нисбатан 1398 минг сўм кўп заҳира ташкил этилган. Демак, филиалда мониторинг текширувлари ўз вақтида амалга оширилмаяпти. Филиал томонидан мазкур камчилмлар бўйича тузатишларни амалга ошириш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004йил 30 январьда **1306-сон** билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг 2003 йилдаги 25/8-сон буйруғи билан тасдиқланган **“Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида Низом”**га мувофиқ кредитлар учун фоиз ҳисоблаш тартиби аудити амалга оширилганда қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

5-жадвал

Берилган кредитларга фоиз ҳисобланишининг аудити. (минг сўмда)

№	Мижоз номи	Берилган кредит қолдиғи	01.04.2011дан 28.04.2011санасигача фоизларнинг ҳисобланиши			
			ИАБС/16309 счёти бўйича	Аудиторнинг ҳисоби бўйича	Фарқ (+;-)	Изоҳ
1	“СОЖИДА БОНУ” ХК	25000	422	361,6	60,4	
2	“Фарт Глобал” Плюс МЧЖ	48750	802	802	0	
3	" Uchrasuv Savdo" ХК	53500	633,2	633,2	0	
4	"АЛИЖОН" ФИРМАСИ	9320	110,3	110,3	0	
5	“МИК” ХК	14000	165,6	165,6	0	

Мижозларга берилган кредитларга ҳисобланган фоизларни аудит қилиш жараёнида филиалда кредит мутахассиси томонидан кредитлар ўз вақтида ҳисобланмаганлик ҳоллари, айрим вазиятларда муддатидан олдин кредит фоизлари ҳисобланганлик ҳолларини кузатишимиз мумкин. Жумладан,

СОЖИДАБОНУ хусусий корхонаси томонидан олинган кредит қолдиғи 25000 минг сўмни ташкил этиб, жадвалда кўрсатилган давр мобайнида, яъни 24 кунлик ҳисобланган фоиз суммалари ИАБС дастури билан таққосланганда 60.4 минг сўмга фарқ қилмоқда ва бунга сабаб эса кредит ходимининг фоизлари муддатидан аввал ҳисоблаш амалга оширганлигидан далолат беради.

Олди-сотди қимматли қоғозлари операцияларини аудитдан ўтказиш. Олди-сотди қимматли қоғозларини аудитдан ўтказишда аудитор қуйидагидарга эътибор қаратиш лозим:

- Қимматли қоғозларнинг сақланиш тартиби;
- Қимматли қоғозлар бўйича даромадларнинг тўғри ҳисобланиши ва уларнинг тегишли ҳисобварақларда акс эттирилиши;
- Қимматли қоғозлар натижасида кўрилиши мумкин бўлган зарарларга қарши захираларнинг яратилганлигини аудит қилиш каби ҳолатлар изчил тартибда аудит қилинади.

Бунда асосий эътибор 10791 – Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича дисконт ва 10793 – Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича мукофот счётларига тўхталади ва уларни белгиланган муддатларда сўндирилиши ва уларнинг даромад ва харажатлар счётидаги акс эттирилганлик даражасига эътиборни қаратади. Аудитор олди-сотди қимматли қоғозларнинг ҳисобига алоҳида тўхталмоғи, жумладан, улардан олинган даромадлар ўз вақтида тегишли ҳисобварақларда акс эттирилишини, аксинча улар бўйича кўрилган зарарларнинг ҳам ҳисоби алоҳида тартибда аудит қилинади.

Факторинг операцияларини аудит қилиш. Бунда аудитор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йилда 953-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида факторинг операциялари аудитини ўтказди. Бунда аудитор асосий эътиборни қуйидагиларга қаратади:

- ✦ Факторинг операцияларини амалга оширишнинг зарурий шarti бўлган, мижознинг шу банкда асосий ҳисобрақами мавжудлигини аниқлаш;
- ✦ Факторинг шартномасининг мавжудлигини ва унда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг аниқ кўрсатилганини текшириш;
- ✦ Мижознинг (мол олувчининг) молиявий ҳолати таҳлили;

✦ Белгиланган тартибда расмийлаштирилган ва тўловчи томонидан имзоланган олди-сотди, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш шартномаси;

✦ Моддий бойликлар берилгани, ишлар бажарилганлигини ва хизматлар кўрсатилганини тасдиқлайдиган ҳужжатлар;

✦ Тўловчи томонидан бошқа банкларда очилган ҳисобварақлар рўйхати ва бошқа маълумотларни текширув остига олади.

Факторинг операциялари аудити жараёнида факторинг ҳисобининг тўғри юритилиши ҳам текширилади. Бунда дисконт суммасининг сўндирилиш тартиби ва унинг баланс ҳисобварағида 11195 – Факторинг бўйича дисконт счёти қолдиғи билан таққосланади. Жумладан, дисконт суммасининг 45217 даромад счётида тўғри юритилиши текширилади. Шу билан бир қаторда факторинг операцияларининг таснифланиши ва белгиланган меъёрларда ташкил этилган дебиторлик қарзлари билан юзага келган захираларнинг ташкил этилганлигини кузатув остига олинади.

Банк актив амалиётлари билан боғлиқ операциялар аудитида аудитор томонидан аниқланган камчиликлар қаторига:

- Асосий воситаларнинг баланс ҳисобварақларида ўз вақтида акс этирилмаслиги ва улар бўйича ҳисобланган эскириш суммаларининг ойма-ой ҳисоблаб борилмаслик ҳолатлари;
- Асосий воситаларга ҳар ойда ҳисобланган эскириш қийматлари банкнинг маъмурий-бошқарув харажатлари (АУР) ҳужжатларига тикилмаганлиги;
- Банк ходимларидан олиниши керак бўлган маблағлар бўйича кечиктирилаётган дебиторлик қарзларининг мавжудлиги;
- Ходимларнинг хизмат сафари бўйича олинган маблағларни тасдиқловчи хизмат фармойишининг йўқлиги.
- Товар-моддий қийматликлар учун тўланган маблағлар бўйича олди-сотди шартномаларининг мавжуд эмаслиги;
- Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг ўз вақтида харажат счётига ўтказилаётганлиги каби камчиликлар намоён бўлмоқда.

Умуман олганда, тижорат банкларининг актив амалиётлар билан боғлиқ операциялари аудити жараёнида учраётган хато ва камчиликлар асосан банк ходимлари томонидан амалга оширилган. Демак, актив амалиётлар бўйича энг кўп аниқланган хато ва камчиликлар қуйидагилардан иборат:


- Касса ишининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги билан боғлиқ хатолар;

- Мониторинг кузатувларининг ўз вақтида амалга оширилмаётганлиги;
- Пластик карточкалар бўйича ДУЭТ ва ИАБС дастуридаги номутаносибликлар;
- Аҳоли омонатлари билан боғлиқ операциялар ва шу каби амалиётларни нақд пулда кирим қилишдаги хатоликлар;
- Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг ўз вақтида тегишли харажатлар сўётларида акс эттирилмаслиги.

2.2. Тижорат банкларнинг пасив операциялари аудити таҳлили.

Тижорат банкларининг пасив амалиётлар билан боғлиқ аудит жараёни бизнинг фикримизча “банк-мижоз” ва “банк-акциядор” алоқа тизимини боғлаган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ саналади. Мазкур жараёнда асосий эътибор мажбуриятлар ва хусусий капитал аудитининг элементларига қаратилади. Демак, аудитор дастлаб банк мажбуриятларини аудит режасига мувофиқ ҳолда амалга оширади. Депозит операциялар аудити Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2011 йил 4 мартда 2205 сон билан рўйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит муомалаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги йўриқномадаги кўрсатилган мезонлар бўйича амалга оширилади. Мажбуриятларини аудит қилиш жараёни дастлаб аудитор томонидан мазкур тижорат банкларининг мажбуриятлар қисмининг моддалари жорий ҳолатини ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3-диаграмма.



ОАТБ “Ҳамкорбанк” мажбуриятларининг таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, мажбурият қисмининг асосий қисмини, яъни 136907718 минг сўмини 30 фоизлик улуш билан талаб қилиб олгунча бўлган депозит маблағлари ташкил этмоқда. Банкнинг депозитларни жалб қилиш билан боғиқ бўлган ютуғи шундаки, банкнинг муддатли депозитлари жами депозитларнинг 29 фоизини ташкил этиб, 131641929 минг сўмини ташкил этмоқда. Юу эса муддатли депозитларга нисбатан қўйилган халқаро талаблар даражасига деярли жавоб беради ва бу банкнинг ресурсларни бошқариш стратегиясига ҳам ижобий таъсир этади. Жамғарма депозитлар улуши 15 фоизни ташкил этиб, 68404504 минг сўмини ташкил этиши ҳам актив амалиётларнинг даромадлилик даражасини оширади. Шунингдек банк кредит ресурслари бозоридан самарали фойдаланганлигини кўришимиз мумкин. Маълумки жаҳон амалиётида банкнинг муддатли депозитлари кам бўлган тақдирда банкка кредит маблағларини жалб қилиш ресурсларни бошқариш ва актив амалиётлар даромадлилигини оширишнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Банк бевосита мижоз депозитлари билин иш юритганлиги сабабли **банк депозитлари аудитига** аудитор алоҳида ёндашиши ва текширув жараёнида қуйидаги ҳолатларни баҳолаши лозим:

- банк депозит сиёсатини аудит қилиш;
- депозит операциялар аудити;
- нодепозит операциялар аудити;

Хусусан, депозит операциялар аудитини амалга ошириш жараёнида жами депозит таркиби тегишли депозит турларининг улуши ва улар эгаллаган структурага қараб арзон ва қиммат маблағлар ҳамда барварор ва нобарқарор маблағлар ҳолатига баҳо бериш мақсадида аудитор қуйидагиларни чуқур таҳлил этиши керак:

- трансакцион депозитларни аудит қилиш;
- жамғарма депозит операцияларини аудит қилиш;
- муддатли депозит операцияларини аудит қилиш;
- мазкур депозитларнинг ўзгариш тенденцияларини аудит қилиш;
- мазкур депозитлар бўйича харажатлар ҳисобини аудит қилиш;
- мазкур депозитлардан самарали фойдалариш ҳисобини аудит қилиш;

Шунингдек, юқоридаги депозитларнинг ҳар бири бўйича:

- жисмоний шахслар билан боғлиқ депозитларни аудит қилиш;
- юридик шахслар билан боғлиқ аудит қилиш

каби масалаларга алоҳида тартибда тўхталиб ўтиш даркор. Бунда асосий эътибор жисмоний шахслар томонидан топширилган омонатларнинг аудитига қаратилади ва унда:

- омонат муомалаларида қўлланиладиган ҳужжатларининг тўғрилигини, сақлаш қоидаларига амал қилинаётганлигини аудит қилиш;
- омонатлар бўйича ҳисобварақлар очиш ва ёпиш ҳамда омонат дафтарчаларини бериш тартиби;
- омонатларни қабул қилиш ва чиқим қилиш тартибини аудит қилиш;
- омонатчиларнинг ҳисобрақамларига пул маблағларини нақд пулсиз кириш қилиш ва ҳисобдан чиқариш, улардан тўлов манбалари сифатида фойдаланишни аудит қилиш;
- ҳаракатсиз омонатлар бўйича муомалаларнинг бажарилишини аудит қилиш;
- шахсий ҳисобварақ карточкаларига қўшимча карточкалар очиш, тўлган омонат дафтарча ўрнига янгисини бериш тартибини аудит қилиш;
- йўқолган омонат дафтарча ўрнига янгисини бериш тартибини аудит қилиш;

Бугунги кунда омонатлар бўйича аудиторлик текширувида аниқланаётган асосий камчиликлар қуйидагилардан иборат:

- ✓ Талаб килиб олингунча бўлган омонатларда форма1 шахсий ҳисоб варақларида миждоз имзо наманалари ва омонатчининг яшаш манзиллари олинмаган ;
- ✓ Айрим ҳолларда омонат дафтарчасида омонатни қабул қилиб олган касса ходимнинг имзоси мавжуд эмас
- ✓ Мини банкларда қолдик бўлиб қолаётган омонат дафтарчалри қолдиғи 24-шаклда умуман кўрсатилмаган
- ✓ Бош кассадан омонат дафтарчасини олиш учун асос бўлган талабномалар мавжуд эмас
- ✓ Назортчи бухгалтер томонидан тўлдирилган 24-шакл муомала кундалигидаги нақд пул суммалари кассир томонидан юритиладиган 054 - шакл касса журнали бўйича фарқларнинг мавжудлиги каби камчиликлар билан бир қаторда омонатлар бўйича фоиз харажатларини ўз вақтида ҳисобланмаслик ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Аудитор жисмоний шахсар бўйича депозит маблағларини аудит қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 2009 йил 19 сентябдаги қарори асосидаги “Фукараларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги низом талабларига мувофиқлик даражсини ҳам ўрганади

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Банк-Мижоз” дастури боғланган ҳолда амалга оширилаётган операциялар бўйича аудитор дастлаб банк ва миждоз ўртасида тузилган шартноманинг мавжудлиги ҳамда мазкур алоқа

тизимидан амалга оширилаётган операцияларнинг ички назорат ходими томонидан қаятий назоратга олинганлиги ва унда таъқиқланган операцияларнинг амалга оширилмаётганлиги аудитини ҳам амалга ошириб боради.

Нодепозит операциялар аудитида асосан қуйидагиларга эътибор қаратилади:

- банклараро молия бозоридан ўзлаштирилган кредит операциялари аудитини амалга ошириш;

- банклараро молия бозорида жойлаштирилган кредит операциялари аудитини амалга ошириш;

- бюджет ва нобюджет маблағларининг ўзлаштирилишини аудит қилиш;

- марказий банк ҳисобидан олинган кредит операцияларини аудит қилиш;

Аудитор миждоз депозитлари ҳолатини таҳлил қилиш билан бир қаторда миждоз ҳисобварағлари айланмаларининг белгиланган қонунчиликка риоя этган ҳолда амалга оширилаётганлигини, хусусан Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигидан 1999 йил 30 январьда 615-сон билан тасдиқланган ва 2012 йил 15 мартда қайта 2342-сон билан рўйхатдан ўтган “**Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида**”ги йўриқнома шарларининг бажарилишини ҳам кузатув остига олади. Масалан, ОАТБ “Ҳамкорбанк” Самарқанд филиалида 15.09.2011 йил ҳолатидаги танланган миждозлар счёти текширилганда

6-жадвал.

Муддати ўтган тўлов ҳужжатлари таҳлили. (сўмда)

	Мижоз номи	90963-сонли (К-2) ҳисобварағ қолдиғи	К-2 ҳужжатлари бўйича қолдиқ	Фарқ
	"UZB OQ OLTIN URGUT TEKST" хусусий корхонаси	978321	978321	0
	ДАВРОН Р ХУСУСИЙ ФИРМАСИ	1256437	1256437	0
	"TUNADJIENO" МЧЖ	4253421	4503000	249575
	"Aziz Vuxoriy Vazmgohi" МЧЖ	500635	500635	0
	"АЛ-ЛАЗИЗ" ХУСУСИЙ ФИРМАСИ	93000	93000	0

Юқоридаги текширув натижаси шуни кўрсатадики, "TUNADJIENO" МЧЖига 90963-сонли (К-2) ҳисобварағидаги қолдиқ суммалар унга тақдим этилган ҳужжатдаги суммалар билан муофиқ эмаслиги аниқланган. Бунинг сабаби ўрганилганда мазкур ташкилотнинг банкдаги ҳисобрақам менежери тақдим этилган ҳужжатларни ўз вақтида 90963-сонли (К-2) ҳисобварағида акс эттирмаган. Шу билан бир қаторда "Aziz Vuxoriy Vazmgohi" МЧЖнинг 90963-сонли (К-2) ҳисобварағида солиқ тўловларидан қарзи бўла туриб 20.09.2010 санада 102000 сўм асосий ҳисобварағидан банк кўрсатган хизмати учун 16401 сонли ҳисобварағига мижознинг тўлов топшириқномасига асосан зарурий харажатлар ҳисобидан ўтказилган, лекин мазкур тўловни амалга ошириш билан бир қаторда мазкур ҳисобварағ менежери 2342-тартиб талабларини қўпол равишда бузмокда. Маълумки, янги тартибга асосан 2-сон картотека хўжалик юритувчи субъектнинг фақат асосий ҳисобварағи очилган банкда шакллантирилади ва хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағидаги маблағлар унга қўйилган талабларни қондириш учун етарли бўлмаганда, асосий ҳисобварағга хизмат кўрсатувчи банк 2-сон картотека пайдо бўлганлиги тўғрисида 3-сўровноманинг "таъқиқ" файлини "2" белгиси билан шакллантириб, Банк депозитлари миллий ахборотлар базасига дастурий равишда юбориши шарт. Айрим ҳолларда мазкур амалиёт юқоридаги тартибда бузилмокда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аудитор "Банк-Мижоз" дастурига боғланган ҳолда амалга оширилаётган операциялар бўйича аудитор дастлаб банк ва мижоз ўртасида тузилган шартноманинг мавжудлиги ҳамда мазкур алоқа тизимидан амалга оширилаётган операцияларнинг ички назорат ходими томонидан қатъий назоратга олинганлигини ва унда таъқиқланган операцияларнинг амалга оширилаётганлигини ҳам аудитдан ўтказди.

Амалиёта "Банк-Мижоз" дастури орқали аниқланган камчиликлар қуйидагилардан иборат:

- * Банк мижози олинган кредити бўйича дастурий комплекс орқали тўлов топшириқномаси тақдим этилган ва минибанк томонидан бу вазият ижро учун қабул қилинган;

- * Мижозларнинг аҳоли даромадларини фуқароларнинг омонатлари ҳамда пластик карточкаларига дастурий комплекс орқали нақдсиз пу кўчирилишига йўл қўйилган;

- * Клиринг трансакциялари ҳисобрақамларидан маблағ ўтказиш учун дастурий комплекс орқали тақдим этилган тўлов топшириқномалари ижро учун қабул қилинган.

Юқорида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича филиал ички назорати ходимига текширувларни ўз вақтида ўтказиш масаласи кўрилиши мумкин.

Аудитор миждоз ҳисобварақлари ҳаракатини текширганда миждоз-корхонанинг асосий фаолиятдан ташқари молиявий ёрдам деган мақсадда бир-бирларига маблағларни ўтказиш операцияларини кўп миқдорда бажариб келинганлиги кузатилмоқда. Молиявий ёрдам кўрсатиш қонун-ҳужжатларида таъқиқланмаган, лекин бундай миждозларнинг асосий фаолиятининг бир қисми фақат молиявий ёрдамларни ўтказишга ёки олишга айланиб қолган. Бу борада ҳисобварақ менежерлари ходимлари ўз миждозлари устидан назоратни кучайтирмоғи лозим.

Пластик карточка операцияларини аудит қилишда аудитор томонидан аниқланган камчиликлар қуйидагилардан иборат:

- Филиалда ДУЭТ дастури ИАБС базаси дастурига боғланмаган. Бунда ДУЭТ дастуридаги операцияларни ИАБС дастури базасида кўриш ва таҳлил қилиш имконияти мавжуд эмас.

- Баланс бўйича 16541 – сонли ҳисобварақдаги ускуналар, 16549 – сонли ҳисобварақдаги терминаллар сони солиштирма далолатномадаги сонлар билан мувофиқлашмаган.

- Пластик карточкаларни рўйхатга олиш журналлари юритилмаган.

- ДУЭТ дастури балансидаги 22618, 22619, 22620 ва 29810 – сонли ҳисобварақлар билан ИАБС дастуридаги 22618, 22619, 22620 ва 29810 сонли ҳисобварақлар қолдиқ суммаларида фарқнинг мавжудлиги.

Филиалларда терминал инкассация тушуми бўйича амалга оширилган банклараро тўлов суммаларини қоплаб берилиши Бош банк пластик карточкалар билан ишлаш сектори томонидан амалга оширилади. Тўловларнинг тўғри қоплаб берилиши ва ИАБС база маълумотлари билан солиштириш сектор бўлими бошлиғи томонидан назорат қилинади. Филиаллардаги 19997 ҳисобварақ қолдиқларини ёпиш ва Бош банкдаги 10597 ҳисобварақ дебет обороти бўйича шаклланган тўлов ҳужжатлари сектор мутахассиси ва сектор бошлиғи томонидан имзоланиши ва тўғри юритилиши ҳам аудит объектига айланади.

Аудитор ташкилот ва муассасаларнинг мақсадли маблағлари очилган махсус иккиламчи ҳисобварақларида амалга оширилаётган операциялар кўламини ҳам назоратга олмоғи лозим. Хусусан,

22604-Миждозларнинг бошқа депозитлари-Жамғарма-Муддатли

(Хукумат қарори истида ажратилган маблағлар)
22626-Қорхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари
(Хукумат қарори истида ажратилган маблағлар)

каби ҳисобварағлардаги ҳар бир операцияларни ўрганмоғи ва уларнинг йўналиш мақсадларини текширмоғи даркор. Айниқса 23200-Клиринг трансакциялари счёти таркибига кирувчи 23206-Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар счёти бўйича келиб тушган маблағларнинг сабаблари ўрганилади ва тегишли тартибда изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигида 2004 йил 26 июльдаги 1390-сонли пақам билан рўйхатга олинган **“Акцизли товарларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва реализация тизими тўғрисида”**ги вақтинчалик Низоми талабларининг бажарилишини аудит қилиш жараёнида қуйидаги камчиликлар аниқланган, жумладан мазкур тартиб бўйича очилган 22624-Айрим турдаги акцизли товарларни сотадиган юридик шахсларнинг мақсадли маблағлари счётидан мазкур мақсадларга қаратилмаган товарлар учун тўловлар асосий счётга ўтказилмасдан чиқим қилинган.

Шу билан бир қаторда аудитор банкнинг бошқа мажбуриятлари аудитини амалга оширади ва бунда асосан:

- олинган кредит операциялар ва уларга ҳисобланган фоизлар ҳисобини аудит қилиш;
- бош банк ва филиал ўртасидаги кредиторлик қарзлари ҳисобини аудит қилиш;
- лизинг бўйича мажбуриятлар ва уларга ҳисобланган фоизлар ҳисобини аудит қилиш;
- солиқ мажбуриятлари ҳисобини аудит қилиш каби жараёнлар назарда тутилади.

-

Аудитор томонидан солиқ ҳисоб-китоблари аудити солиқ тўловлари ва ажратмаларнинг тўғри ҳисобланиши ва ҳисобрақамларда тўғри акс эттирилиши бўйича аудит натижаларига эътибор қаратилади. ОАТБ “Ҳамкорбанк” Самарқанд филиалининг жорий йилдаги солиқ тўловлари қуйидагича:

2011 йил Солиқ тўловлари текширув натижаси жараёнида шу нарса аниқ бўлдики, солиқ тўловлари бўйича аудитор ва филиал бош бухгалтери томонидан ҳисобланган суммалар ўртасида фарқ аниқланмоқда. Масалан, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича аудитор 67288 минг сўм, филиал томонидан эса 53486 минг сўм, яъни 13802 минг сўм кам солиқ ҳисобламоқда. Мол-мулк солиғи бўйича эса 6438 минг сўм кам солиқ тўловларини амалга оширилганини аниқланди. Демак, филиал бош

бухгалтери солиқ ҳисоби бўйича камчиликларни бартараф этмоғи лозим ва 22500-ҳисобварағлардаги қолдиғиларни тавсия этилган қолдиқ суммаларга тенглигини таъминламоғи лозим.

7-жадвал.

2011 йил Солиқ тўловлари аудити

Солиқ тури	Базаси	Ставк и %	Сумма си	Филиал томон идан ҳисобланган сумма	Фарқ	Балансда акс эттирилиши	Фарқ
Фойда солиғи	989523	15	148428	148428	0	148428	0
Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш	841095	8	67288	53486	-13802	53486	-13802
Мол-мулк	1604000	4,5	72180	72180	0	65742	-6438
ҚҚС	40000	20	8000	8000	0	8000	0
Мактаб таълимини ривожлантириш	1029854	0,5	5149	5149	0	5149	0
Йўл фондига ажратма	1029854	1,5	154479	154479	0	154479	0
Нафақа фондига ажратма	1029854	1,5	154479	154479	0	154479	0


Манба: ОАТБ “Ҳамкорбанк” Самарқанд филиали ҳисоботи асосида

Банк мажбуриятлари аудити жараёнида аудитор 22400-тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар счётидаги қолдиқлар, 21600, 22000, 22100 кредит ва лизинг операциялари бўйича тўланадиган маблағларнинг

жорий ҳолатига алоҳида тўхталмоғи лозим. Аудитор бош банк ва филиал ўртисидаги ўзаро мажбуриятларни ҳам текширмоғи лозим.

Тижорат банклари фаолиятини аудит қилиш кўрсаткичларининг замонавий системасида марказий ўринда ўз капитали аудитини амалга ошириш жараёни ётади.

4-диаграмма.



Маълумотлардан кўришимиз мумкинки, ОАТБ “Ҳамкорбанк ” хусусий капитали таркибида тақсимланмаган фойда энг юқори 61 фоизлик улушни ташкил этиб, 47900393 минг сўмни ташкил этмоқда. Бундан кўришимиз мумкинки банкнинг жорий йилдаги даромадлилик даражаси юқори кўрсаткичга эга ва унинг тақсимланмаган фойдаси ўтган йилга нисбатан 20000000 минг сўмдан кўпроққа ошганлигини кўришимиз мумкин. Кейинги ўринда 35 фоизлик улуш билан оддий акциялар қиймати 27357500 минг сўмни ифодаламоқда. Имтиёзли акциялар эса 2 фоизни ташкил этмоқда. Банк капитали таркибида қўшилган капитал миқдорининг камлигини кўришимиз мумкин. Қайта баҳолаш натижалари эса 445768 минг сўмни ташкил этмоқда. Банк капитали таркибида девальвация фондининг мавжуд эмаслиги банкда капитал рискдан холи эканлигини изоҳлайди.

Банк капитали шакллантирилиши аудитида қуйидагиларга алоҳида эътибор берилди:

- ҳар бир акциядорнинг устав капиталидаги иштирокининг энг кўп улуши қонун ҳужжатлари билан белгиланган миқдордан ошиб кетмаслигига;
- банкнинг бошқа банкларнинг устав капиталида иштирокига йўл қўйилмаслик ҳолатига;

- кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб этилган маблағлар ҳисобидан банкнинг устав капиталини шакллантириш каби ҳолатларини аудит қилиши;

- энг кам устав капитали банк муассислари томонидан уни рўйхатга олиш пайтигача тўланишини аудит қилиши;

- банклар устав капиталининг энг кам миқдори Марказий банк томонидан белгиланган меъёрдан кам эмаслиги;

- эълон қилинган устав капитал билан ҳақиқатда тўланган капитал миқдорининг мувофиқлиги.

Аудитор акцияларнинг жойлаштирилиши билан боғлиқ қуйидаги ҳолатларни ҳам аудитдан ўтказиши лозим:

1.Эмиссия проспектига ўзгартиришлар киритиш учун қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказувчи органга мурожат қилинганлигини;

2.Эмиссия проспектини матбуотда эълон қилинганлигини;

3.Акцияларни жойлаштирилишини;

4.Устав капитали миқдорининг оширилиши туфайли банк уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бирга амалдаги қонунчиликка мувофиқ банкнинг ваколатли органи билан акцияларни чиқариш ва жойлаштириш якунининг тасдиқланганини;

5.Қимматли қоғозларни рўйхатга олувчи органга акцияларни чиқариш ва жойлаштириш якунлари тўғрисидаги ҳисоботнинг тақдим этилганини;

6.Акцияларни чиқариш ва жойлаштириш якунларини матбуотда эълон қилинганлигини;

7.Марказий банкка устав капитали миқдорининг оширилиши муносабати билан банк уставига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни рўйхатга олиш тўғрисидаги илтимосномани тақдим этиш билан бирга акцияларни чиқариш ва жойлаштириш якунлари тўғрисида маълумот берилганини

Қайд этилган талаблар билан бирга эмитент банкнинг қимматли қоғозларни рўйхатга олувчи органнинг қимматли қоғозларни чиқариш ва рўйхатдан ўтказишга доир меъёрий ҳужжатлари талабларини бажараган ёки бажармаганлиги ҳам аудитдан ўтказилади.

Жойлаштирилган акцияларни сотиб олиш йўли билан устав капиталини камайтиришда акциядорлар умумий йиғилишининг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги қарорида сотиб олинadиган акциялар турлари, банк томонидан сотиб олинadигаи ҳар бир турдаги акциялар сони, сотиб олиш нархи, тўлов шакли ва муддати, шунингдек акцияларни харид қилиш муддати белгиланганлиги текширилади.

Банк устав капиталининг камайтирилиши(ўзгартирилиши) аудитида қуйидагилар ҳолатлар ўрганиб чиқилади:

- устав капиталининг камайтирилиши натижасида Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий меъёрлар ҳамда банк устав капитали энг кам миқдорига қўйиладиган талабларнинг бўзилиши эҳтимоли ёки ҳар қандай акциядор иштироки улуши устав капиталининг қонунчилик томонидан белгиланган чекланган миқдоридан ошиш ҳолати;

- тақдим этилган ҳужжатларнинг қонунчилик ва Марказий банк меъёрий ҳужжатлари талабларига мос келиши;

- устав капиталининг камайтирилиши омонатчилар манфаатларига ва банк молиявий аҳволига аниқ хавф солиши мумкинлиги.

Заҳира капиталини аудит қилишда қуйидагилар асосий ҳисобланади:

- умумий заҳира фондининг ташкил этилганига эътибор бериш;

- давлат дастурини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган фондларнинг ташкил этилганлигини аудит қилиш;

- текинга олинган мол-мулклар ҳисобини аудит қилиш;

- банкка тегишли бўлган асосий воситаларнинг қайта баҳоланишини аудит қилиш.

Ривожланган хорижий давлатларда, хусусан, АҚШ, Япония ва Ғарбий европа давлатларида тижорат банкларига тегишли ерлар уларнинг хусусий мулки ҳисобланади. Шу сабабли, ерлар баҳосининг ўсиши ҳисобига юзага келган заҳира миқдори тўғридан-тўғри банкнинг қўшимча капитали таркибига киритилади. Ўзбекистонда тижорат банклари ва бошқа юридик шахслар эгаллаб турган ер майдонларига нисбатан хусусий мулкчилик муносабатлари мавжуд эмас. Шу сабабли, тижорат банклари фойдаланаётган ер майдонларининг қиймати қайта баҳоланмайди. Демак, Ўзбекистон тижорат банкларида қайта баҳолаш заҳираси фақат банкларга тегишли бўлган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижасида юзага келади. АҚШ, Япония ва Ғарбий европа давлатларида тижорат банкларининг қайта баҳолаш заҳираси умуман солиққа тортилмайди. Бу эса қайта баҳолаш заҳирасидан капитал элементи сифатида фойдаланиш имконини беради. Демак, тижорат банклари капитали таркибида мазкур заҳираларнинг кичик салмоққа эга эканлигининг асосий сабаблари сифатида республикамизда қайта баҳолаш ҳисобидан вужудга келган қийматнинг мол-мулк солиғига тортилиши ва тизимли қайта баҳолаш тартибининг ривожланмаганини эътироф этишимиз лозим. **30908**-"Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси" ҳисобварағи қолдиғининг кичиклиги банкларимиз томонидан суний равишда ҳам амалга оширилиши ҳам мазкур юзага келган қийматнинг солиқ базасига тортилиши билан изоҳланади. Шунини назарда тутиш лозимки,

тижорат банкларида қайта баҳолаш захирасини шакллантириш ва ундан банкнинг капиталини ошириш учун фойдаланганда солиққа тортиш механизми бевосита таъсир қилади. Солиққа тортиш механизми таъсирининг моҳияти шундаки, банкда қайта баҳолаш натижасида юзага келган фарқ миқдори фойда ёки даромад ҳисобланади ва солиққа тортилади. Ёки юзага келган фарқ миқдори мулк қийматининг ўсиши сифатида мол-мулк солиғига тортилади. Бунинг натижасида банк реал тушумга эга бўлмаган ҳолда солиқ тўлаган бўлиб чиқади. Бу эса, банкнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади ва шу сабабдан ҳам аудитор мол-мулкнинг асосли равишда амалга оширишига эътибор қаратиши лозим.

Тақсимланмаган фойданинг аудитида қуйидагилар кузатув остига олинади:

- базис йиллар тақсимланмаган фойдасининг самарали йўналтирилишини аудит қилиш;

- жорий йил тақсимланмаган фойдасининг тўғри акс эттирилганини аудит қилиш;

- жорий йил дивидент сиёсати ҳисобини аудит қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарори “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори асосида ташкил этилган Имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилган кредитлар аудитини алоҳида тартибда текшириши лозим.

Банк капиталининг етарлилик даражасини аудит қилишда қуйидагилар асосий ҳисобланади:

-Марказий банк белгилаган устав капиталининг энг кам миқдори юзасидан талабларга мувофиқлиги;

-кўзда тутилаётган ўсишни қўллаб-қувватлаш даражаси;

-кўзда тутилаётган даромадлар ва асосий фондлар даражаси;

-муассисларнинг зарур ҳолларда қўшимча капитал кирита олиш қобилияти.

Аудиторлар текширишлар давомида беш ёки ундан кўп фоизга эга бўлган ҳар бир акциядор ҳақида ахборотлар мавжудлигини текширдилар. Бу ахборотлар ўтган ҳисобот йили охиридаги акциядорлар ҳақидаги маълумотлар билан таққосланди; изоҳларда акциядорлар таркибидаги асосий ўзгаришлар қайд этилди. Юридик шахс мақомига эга бўлган акциядорларга нисбатан:

- уларнинг қайд қилинган жойдаги давлатга тегишлилиги тўғрисида;

- уларнинг иқтисодий соҳасидаги фаолият турлари;
- мулкчилик шакли тўғрисида;
- молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборотлар йиғилади.

Шу сабабли банк қонунчилиги соҳасида қатор янги тартиб-қоидалар ишлаб чиқилади. Ушбу мақсад билан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан «Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки» ва «Банклар ва банк фаолияти» тўғрисидаги қонунларга асосан банк системасининг молиявий барқарорлигини, миллий пул бирлигининг стабиллигини таъминлаш, кредиторларнинг ва жамғарма эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 1997 йилнинг 2 августда тасдиқланган «Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш» қоидаларини ишлаб чиқди.

Капитал аудити жараёни банк акциядорларининг янгиланган рўйхати, жами акциядорлар улушининг баланс ҳисоботидаги тўланган капитал суммасига тенглиги ҳамда банк капитали Марказий банкнинг 2000 йил 26 апрелдаги “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 420-сонли Низоми талабларига жавоб бера олишини текшириш масалаларини қамраб олади.

Банкларда доимо капитал етарлиги бўйича ўрнатилган меъерий кўрсаткичларга риоя қилишлари керак, акс ҳолда уларнинг бажарилмаслиги Марказий Банк томонидан жарима қўлланишига олиб келади. Шу сабабли меъерий чегаралар кўрсаткичларнинг кўзланган қийматларининг аниқлашда асосий муаммо бу - уларнинг Марказий Банк талабларига жавоб бера оладиган соҳада танланишидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 420-сонли “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида” низомга кўра банк капиталнинг етарлилиги талаблар Халқаро Базель андозаларига мувофиқ ҳисобланади

Капиталнинг етарлилик коэффициентлари:

Таваккалчиликка асосланган капиталнинг умумий суммаси (ТАКУС) чегирмаларни ҳисобга олган ҳолда I даражали капитал ва II даражали капитал йиғиндиси сифатида аниқланади;

Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар умумий суммаси (ТҶОАУС) чегирмалар ажратилиб, таваккалчилик ҳисобга олинган ҳолдаги баланс ва балансдан ташқари активлар йиғиндиси сифатида аниқланади;

Умумий капиталнинг етарлилик коэффициенти K1 қуйидагича ҳисобланади:

$$K1 = \text{ТАКУС} / \text{ТҶОАУС}$$

K1 нинг минимал рухсат этилган даражаси 0.1 га тенг (10 фоиз)

I даражали капиталнинг етарлилик даражаси қуйидагича аниқланади:

K2=I даражали капитал/ТҲОАУС

K2 нинг минимал рухсат этилган даражаси 0.05 га тенг (5 фоиз)

Капиталнинг етарлилик даражаси талаблари билан бир қаторда тижорат банклари номоддий активлар ва Гудвилл чегириб ташланган I даражали капиталнинг умумий активлар суммасига нисбати орқали аниқланадиган левераж коэффициентига риоя этишлари керак:

K3=I даражали капитал/(Умумий активлар олув номоддий активлар)

Левераж коэффициентининг минимал рухсат этилган даражаси 0.06 га тенг (6 фоиз).

Капиталдан чегирмалар капитал етарлилиги коэффициентлари ҳисоблангунча амалга оширилиши керак.

I даражали капиталдан чегирмалар номоддий активлар, шу жумладан гудвиллни ўз ичига олади.

Марказий банкнинг 2000 йил 26 апрелдаги 420 – сонли «Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомига мувофиқ, банк умумий капитали адекватлилик коэффициентининг минимал даражаси 0,1 ёки 10 фоиз, асосий капиталининг етарлилик коэффициентини минимал даражаси эса 0,05 ёки 5 фоиз миқдорида ўрнатилган.

8-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тижорат банклари капитали етарлилигига нисбатан белгиланган талабларининг халқаро Базель стандартларидан фарқ қилувчи асосий жиҳатлари³

№	Кўрсаткичлар	Банк капитали етарлигининг минимал даражаси
1	Тижорат банклари жами капиталининг етарлилик даражаси: - Халқаро Базель стандартларининг талаби - Ўзбекистон Марказий банкнинг талаби	0,08 0,1
2	Тижорат банклари асосий капиталининг етарлилик даражаси: - Халқаро Базель стандартларининг талаби - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг талаби	0,04 0,05

³ Республика Марказий банки ва халқаро Базель қўмитасининг меъёрий йўриқномалари асосида тайёрланди.

Айни вақтда, тижорат банкларининг капитали етарлилигининг минимал даражаси Базель андозаларида кўзда тутилган даражадан маълум жиҳатдан фарқ қилади. Ўзбекистон тижорат банклари капиталининг етарлиликсига нисбатан қўйилган талаблар Базель андозаларидан бундай тарзда фарқланишининг асосий сабаблари, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

1.Тижорат банклари капитал базасини мустаҳкамлашда айрим муаммоларнинг мавжудлиги. Масалан, тижорат банклари жами капитали таркибида устав капитали салмоғини пасайиш тенденциясига эга бўлаётганлиги бу борадаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

2.Тижорат банклари корпоратив миқозларига тегишли депозитларни суғурталаш тизимининг мавжуд эмаслиги.

Мазкур тизимнинг мавжуд эмаслиги банк капиталидан депозитларни ҳимоя қилиш воситаси сифатида фойдаланиш заруриятини кучайтиради. Тижорат банклари капиталининг етарлиликсига баҳолашда марказий ўринни банк активларини рискка тортиш масаласи эгаллайди.

Банк капиталининг ҳисобини тўғри юритилишини аудитида текшириладиган Бош банк ёки филиалда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва назорат ишлари қай даражада ташкил этилганига аҳамият берилиши керак, бунинг учун текширишни мазкур банкда бухгалтерия ишлари бухгалтерия ходимлари ўртасида қай даражада тақсимланган, ходимларнинг лавозим вазифалари, ички назорат гуруҳи иш режалари, улар томонидан тузилган маълумотларнинг сифатлилиги, бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш бўйича тутилган журналларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги, ҳужжатлар айланиши ва миқозларга хизмат кўрастиш жадвалларига риоя этиладиганлиги аудитдан ўтказилади. Айниқса, 29822- "Тўланиши лозим бўлган дивидендлар" ҳисобини тўлиқ аудит қилмоғи лозим.

Пассив операциялар ҳисобини аудит қилиш жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратилади:

- пассивларни баҳолаш тизими;
- депозитлар ҳисобининг тўғри юритилишини текшириш;
- амалдаги қонунчилик асосида даромадлар ҳисоблаш усули;
- банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни баҳолаш учун асослар;
- хорижий валютадаги «спот»лар ва «форвард» шартномаларни бўйича мажбуриятларни баҳолаш учун асослар;
- имтиёзли солиққа тортиш.

III боб. Тижорат банкларда пассив ва активлари аудитини такомиллаштириш йўллари.


Бутун жаҳонда кўпгина банкларнинг бошқарув тизими хар хил ресурслар: меҳнат, молиявий, моддий ресурслардан самарасиз фойдаланишдан, тўғри қарорлар қабул қилиш учун зарур ахборотларнинг такчиллигидан, ҳисоботларни бузиб кўрсатилишидан, хизматчилар ва бошқарувчиларнинг тўғридан-тўғри фирибгарлигидан қийналади. Бундай муаммоларни хал этиш, асосан тижорат банкларида жорий этилган ички назорат тизими зиммасига юклатилган бўлиб, унинг самарали фаолият кўрсатиши банкнинг молиявий ҳолатига бевосита таъсир кўрсатади. Бунга мисол тариқасида тижорат банклари томонидан корхоналарнинг молиявий аҳволини нотўғри таҳлил қилиш натижасида кредитлар берилганлиги ва маблағларни ўз вақтида қайтмаслик муаммоларига дуч келиши ҳолатларини келтиришимиз мумкин.

Банкларда ички назорат тизимининг элементларидан айримлари, жумладан ваколатларнинг бўлиниши, ходимлар ротацияси, ҳисоб ёзувларидан фойдаланиш ва уларни таҳлилдан ўтказиш каби масалалар асосан хусусий тижорат банкларида ўз тасдиғини топиб келмоқда. Банкларда пассив ва актив операциялар самоғининг ортиши билан банкларнинг фаолиятида кўп нарса, хусусан банк мулкдорлари, уларнинг манфаатларини ифодаловчи банк Кенгаши билан банк бошқаруви ўртасида тўғри муносабатлар ўрнатишга боғлиқомилларнинг бир қадар мақсадлар йўлидан оғиш ҳолатлари кузатилмоқда. Амалиётда банк Кенгаши томонидан банк ишларига бефарқлик ҳам, банкни оператив бошқариш масалаларига акциядорлар вакилларининг ортиқча, асоссиз аралашуви, банкнинг кредит, инвестиция сиёсатининг банк ишончилиги, банк миждозларининг манфаатларидан фарқли мулкдорларнинг тор манфаатларига бўйсундириши ҳам бир хилда хавfli эканлигини, банк мулкдорлари билан унинг менежерлари ўртасидаги можаролар банк молиявий аҳволининг кескин ёмонлашишигагина эмас, унинг банкротлигига ҳам олиб келиши мумкин.

Тижорат банкининг бошқарув тизимини такомиллаштириш турли йўналишларда, шу жумладан, бошқарув функцияларини бошқарув объектларининг хар бир турига тадбиқан тўлиқ амалга ошириш лозим. Бошқарувни такомиллаштириш жараёнида, асосан, унинг вазифаларини тўғри белгилаш билан бир қаторда, унинг функциялари, объектини аниқлаш ҳамда назорат тизимига эътибор қаратиш муҳимдир.

Бу борада корпоратив бошқарув тизимини тўғри ташкил этиш ва ундан банк корпоративида тўғри иш ташкил қилинишини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

5-чизма



Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари тизимида бошқарув функцияларининг асосий қисми бўлган режалаштириш масалаларига етарли эътибор берилмаяпти. Бунинг натижасида кўпгина банклар қатъий ривожлантириш дастурларига эга эмас, молиявий режалаштириш, ташкилий тузилма, банк операцияларини амалга ошириш муолажаларининг мукамал даражада эмаслиги, ички назорат савияси етарли даражада ташкил этилмаганидан далолат бермоқда.

Кўпгина банклар ўз фаолиятида стратегик режалаштириш тизимини ишлаб чиқишга етарли эътибор бермаслиги натижасида банк бўлинмалари стратегия ҳақидаги ўз тасаввурларини мувофиқишлаштирмоқдаларки, бунинг оқибатида ҳатто вазифалар ва устуворликларни аниқлашда ҳам низолар келиб чиқмоқда. Бундай банклар учун ишнинг самарасизлиги, банк бошқарув ташкилоти ишлаб чиқилган стратегияни амалга оширишга жамоа кучларини йўналтира олмаслиги билан изоҳланади.

Банкларнинг пассив ва актив операциялари аудитини такомиллаштиришда, аввало, банкнинг потенциал имкониятларини ўрганиш учун унинг молиявий аҳволининг ҳар томонлама таҳлилига таяниш лозим. Бунда режалаштириш жараёнига бошқарувнинг барча поғоналарида алоҳида функционал бўлинмаларнинг менежерларидан тортиб банк Кенгашига жалб этилиши мақсадга мувофиқдир.

Банк ўзининг пассив ва актив операциялар билан боғлиқ хизматларини амалга ошириш жараёнида иш функцияларини тақсимлаш ва мувофиқлаштириш борасида минтақавий менежерлар гуруҳини ташкил этиш орқали ҳам пассив ва актив операцияларни такомиллаштириб бормоғи лозим. Банк ички аудитини халқаро андозалар талабларига жавоб берадиган даражада ташкил қилиш учун ҳозирги кунда бир қанча муаммолар мавжуд.

- Банкнинг стратегик ва тактик бошқарув жараёнида банк Кенгаши аъзоларининг назоратни бўш олиб бориши;

- Банк Бошқаруви ижро органларининг ички аудит бўлими фаолиятидаги ролининг устунлиги;

- Акционерлар ва банк Кенгашига ижро органларининг расмий ҳарактердаги муносабатининг мавжудлиги;

- Банк иши назарияси ва амалиётига доир етарли билимларнинг йўқлиги банк Кенгаши аъзоларига ички аудит материалларини малакали таҳлил қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда иштирок этиш имконини бермайди;

- Кўзга кўринган олимлар ва амалиётчиларнинг ҳозиргача банк Кенгашига жалб қилинмаганлиги каби омиллар билан изоҳланади.

Юқоридаги мавжуд муаммалар асосан давлат банкларида кузатилмоқда. Иқтисодиётда банк тизимининг соғлом муҳити асосан мамлакатда хусусий банклар фаолиятининг ривож топиши билан изоҳланади ва у ўзининг мослашувчан ташкилий тузилма эканлиги билан ажралиб туради. Мослашувчан ташкилий тузилмаларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар меҳнатни функционал белгига кўра эмас, балки банк махсулотлари турларига мувофиқ тақсимлашга асосланади. Бундай тарзда уюштирилган банк маълум миқдорлар гуруҳларига асосий эътиборни қаратади, бу эса банкка уларнинг мақсадли талабларини самарали қондириш имконини беради.

Тижорат банкларининг пассив ва актив операциялари аудитни такомиллаштиришда республикамиз тижорат банклари томонидан амалиётда кам қўлланилаётган айрим пассив ва актив операцияларни ўзлаштириш ва жорий этиш, улар билан боғлиқ муаммолар кўламини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, республикамиз амалиётида банк

капитали аудитида банкнинг капиталлашувидаги муаммо ва камчиликлар мавжудлигини эътироф этиш лозим. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш лозим:

– Тижорат банклари жами капитали таркибида қўшимча капитал салмоғининг жуда кичиклиги. Тижорат банклари қўшимча капитали таркибида субординациялашган қарз мажбуриятлари, консалидациялашган шуба корхоналарига қилинган қуйилмалар мавжуд эмас.

– Банк капиталининг нобарқарор манбалар ҳисобидан ўсиб бораётганлиги муоммоси. Захира капитали таркибига кирувчи устав капиталининг валюта қисмини қайта баҳолаш ҳисобига шакллантирилувчи девальвация захираси салмоғининг ошиб бориши кузатилмоқда. Бу салбий ҳолат ҳисобланиб, девальвациязахираси курс фарқидан юзага келувчи нобарқарор манба ҳисобланади ва у валюта курси пасайиши натижасида камайиш хавфига эга бўлади. Мазкур муаммони ечишда қайта баҳолаш захираларини капиталлаштириш мақсадга мувофиқдир, яъни банк акциядорларига бепул акция тарқатиш орқали устав капиталига қўшилиши “Бонусли акция” деб аталади. Яъни чиқарилган акциялар банк активларини камайтирмайди ва олдин чиқарилган акциялар бозор баҳосини туширмайди. Бонусли эмиссия банк акциядорлик капиталининг барқарорлигини таъминлайди.

Юқоридагилар билан бир қаторда тижорат банклари пасив амалиётида банк ресурслари барқарорлигини таъминлашда ҳам қатор муаммолар мавжуд бўлиб, тижорат банклари депозитлари таркибида талаб қилиб олингунча депозитларнинг таркиби жуда катта бўлиб, ваҳоланки, халқаро талабларга кўра бу кўрсаткич 30% дан ошмаслиги керак.

Ушбу муаммоларни ҳал қилишда бизнинг фикримизча қуйидаги ишларни амалга ошириш мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– Тижорат банклари ресурслари таркибида муддатли депозит маблағлари салмоғини ошириш ҳамда муддатли ва жамғарма депозитларга нисбатан Марказий банкнинг мажбурий захира талабини 0 % миқдорида жорий этиш лозим.

– Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида самарали ва эгилувчан қонунчилик ёрдамида самарали механизмини яратиш орқали қуйидагиларга эришиш мумкин:

- Тижорат банкларининг қимматли қоғозларга инвестиция қилиши асосида тўпланадиган фоизлар ва дивидендлар ҳамда қимматли қоғозлар курсининг кўтарилиши ҳисобига даромад олиш;

- Ўз қимматли қоғозларини эмиссия қилиш асосидаанъанвий кредит ва ҳисоб-китоб операциялари учун қўшимча пул маблағларини йиғиш;
- Қимматли қоғозлар билан операцияларда мижозларга турли хизматлар кўрсатишдан даромад олиш.

Айниқса, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операция кўламини ривожлантиришда мамлакатимизда қимматли қоғозларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида қимматли қоғозлар учун мажбурий захира тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Тижорат банклари томонидан молиявий йил якунида ташкил топган банк фойдасидан ўз капиталини кўпайтиришга йўналтирилган ҳажмини солиққа тортиш базасидан чегириб ташлаш лозим.

Тижорат банкларининг пассив ва актив амалиётлари аудити натижалари шуни кўрсатадики, текширув жараёнида тижорат банкларида ликвидлиликни бошқариш масаласидаги аниқланган муаммолар мавжуд бўлиб, текширув натижалари шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда республикаимиз тижорат банклари активларининг таркибида салмоғига кўра биринчи ўринни кредитлар, иккинчи ўринни кассали активлар, учинчи ўринни эса асосий воситаларга қилинган қўйилмалар ва нихоят сўнгги ўринни қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар эгаллайди. Холбуки, асосий воситалар даромад келтирмайдиган актив ҳисобланади. Кассали активларнинг даромадлилик даражаси эса жуда пастдир. Ривожланган индустриал мамлакатларнинг банк амалиётида эса, тижорат банклари активлари таркибида салмоғига кўра биринчи ўринни кредитлар, иккинчи ўринни қимматли қоғоз шаклидаги активлар, учинчи ўринни кассали активлар эгаллайди. Республикаимизда қимматли қоғозлар бозорининг сустиги сабаб, тижорат банклари активларининг даромадлилик даражаси пастдир.

Шу билан бир қаторда амалиётда тижорат банкларида активларини таснифлашнинг самарали тизими мавжуд эмас. Ҳозирда тижорат банклари қонунчиликка мувофиқ фақат кредитларни таснифлаш ва уларга эҳтимолий захира банк харажатлари ҳисобидан шакллантирилиб, уларнинг ҳисоби контр-актив ҳисобварақларида юритилади. Тижорат банкларида муддати ўтган ссудаларни яшириш имконияти мавжудлиги банкларга кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун махсус захирани шакллантириш харажатларини камайтириш орқали банк соф фойдасини асоссиз ошириш ва юқори капитал етарлигига эга бўлиш имконини беради. Тижорат банклари тамонидан бошқа активларни таснифланмаслиги ва улар бўйича мажбурий равишда эҳтимолий йўқотишлар учун захиралар шакллантирилмаслиги банк активлари

таркибида сифатсиз активларнинг яширинишига, банк тамонидан зарарли ва фойдасиз активларни ўз вақтида ҳисобдан чиқармаслигига ҳамда банк молиявий аҳволини нотўғри баҳоланишига сабаб бўлади.

Ўзбекистонда банклар томонидан кредитлаш амалиёти 2000 йилгача Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк томонидан ишлаб чиқарилган №33-сонли “Хўжалик юритувчи субъектларни қисқа муддатли кредитлаш йўриқномаси”га, 10-сонли “Хўжалик юритувчи субъектларни ўртача ва узок муддатли кредитлаш тартиби”ларига асосан амалга ошириб келинган. Кейнчалик эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 15 январдаги 24-сонли “Банк тизимини янада ислоҳ чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда 2000 йил 21 мартдаги ПФ-2564 сонли “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” фармонлари чиқиши билан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк томонидан чиқарилган №33-сонли йўриқнома бекор қилиниб тижорат банкларига ўзларига кредит сиёсатлари ҳамда кредитлаш тартиблари ишлаб чиқиш ҳуқуқи берилди.

Ҳозирда тижорат банклари барчаси ўзларига кредитлаш тартибларини ишлаб чиққанлар ва шу тартибларга асосан кредитлашни амалга оширмоқдалар. Аммо, кўпчилик банкларнинг кредит сиёсати амалда бекор қилинган №33 йўриқнома талаблари билан жорий қилинган. Бу эса бозор иқтисодиётида халқаро стандартларга мос келмаслигига ва муаммоли кредитларни вужудга келишига сабаб бўлмоқда, яъни барча тижорат банклари ўз кредитларининг қайтмаслик муаммоларига дуч келяпти. Бу муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилинганда, кредитлардан мақсадли фойдаланмаслик ва асосий сабаби банкларда мижоз тўғрисида тўлиқ ахборотнинг шаклланмаганлиги ва ахборотлар алмашиш соҳасида баъзи муаммоларнинг мавжудлигида намоён бўлмоқда.

Яна бир муҳим муаммо бу гаров мулкларини ундириш ва кафиллик шартномаларини реализация қилиш соҳасидаги муаммоларлардан иборатдир

Республикада янги хизмат турлари **Кредит ахбороти миллий институти ва Кредит-ахборот бюроси** хизмати тузилган ва уларнинг меъёрий ҳуқуқий асослари яратилган. Бу банкларнинг кредитлар бозорида мижозлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар олиб боришга, ўз мижозлари ёки кредитдан фойдаланаётган мижозлари тўғрисидаги маълумотларни, маълумотлар базасига киритилиб бориши, кредитларнинг мақсадли ишлатилиши, уларнинг ўз вақтида фоизлари билан қайтарилишини гарови бўлиб хизмат қилмоқда. Марказий банкнинг Кредит ахбороти миллий институтида шакллантирилган қарздорлар тўғрисида кредит ахборотининг ягона реестри мунтазам юритилиб такомиллаштирилиб борилмоқда.

Институт ва банклар ўртасида йўлга қўйилган қарздорлар тўғрисидаги кредит ахбороти алмашинуви тизими тижорат банкларининг кредит операциялари бўйича таваккалчиликларини камайтиришга ёрдам бермоқда. 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра институт базасида 732 мингдан ортиқ қарздорнинг 1 243 мингдан ортиқ кредит шартномаси тўғрисида маълумотлар жамланган бўлиб, банк тизими жами кредит портфелидаги кредитлар ва қарз олувчилар тўғрисида ахборот мужассамлашган. Лекин бу хизматлардан ҳам ҳали етарлича фойдаланиш йўлга қўйилмаган. Маълумки, Ўзбекистон банк тизимида кредит таъминоти асосан мол-мулкка, яъни иккиламчи таъминотга қаратилган.

Ҳозирги кунда гаров мулкни ундириш борасида бир қанча муаммолар юзага келиб қолган. Шу нуқтаи назардан КАМИ томонидан “Гаров реестри тўғрисида”ги қонун лойиҳалари тайёрланмоқда ва буни амалиётга жорий қилиниши тижорат банкларидаги муаммоли кредитлар ҳажмини камийишига олиб келади. Бугунги кунда тижорат банклари томонидан актив операциялар аудитидаги асосий камчиликлар кредит амалиётига тўғри келмоқда. Тижорат банклари кредит фаолиятини аудитдан ўтказишдаги муаммолар:

- Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни тасдиқлашдаги муаммолар;
- Кредит мониторингини амалга оширишдаги муаммолар;
- Кредит фаолиятини аудитдан ўтказишда норматив ва меёрий ҳужжатлар билан боғлиқ муаммолар.

Тижорат банклари кредит амалиётлари бўйича муаммоли кредитларнинг келиб чиқишининг олдини олиш ҳамда муаммоли кредитларни бартараф этиш жараёнини келтирилган босқичларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади:

- потенциал муаммоли кредитларни аниқлаш,
- потенциал муаммоли кредитларни таҳлил этиш,
- потенциал муаммоли кредитларни олдини олиш чораларини кўриш,
- муаммоли кредитларни соғломлаштириш,
- кредитни реструктуризациялаш,
- банкротлик жараёнини баҳолаш

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тижорат банклари томонидан амалга оширилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш билан боғлиқ кредитларнинг кўпчилигида муддати ўтган қарздорлик муаммоси мавжуд. Демак, инвестицион лойиҳаларни ўрганиш учун техник иқтисодий асоснома дастури мукамал ишлаб чиқилмаган.

Юқорида кўриб ўтилган пассив ва актив амалиётлар аудитидаги мавжуд муаммоларнинг аксарият қисмида операцион таваккалчиликларга йўлга қўйилган. Мазкур операцион таваккалчиликларнинг юзага келишида ижрочи ходимларнинг етарли даражада назарий билимларга эга эмаслиги ёки эътиборсизлиги натижасида амалга оширилмоқда. Демак, ходимларни бошқариш доирасида малакали кадрларни танлаш, уларнинг иш сифатини баҳолаш, меҳнатни рағбатлантириш, банк хизматчилари ва менежерларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларини ҳал қилишга алоҳида эътибор бериши керак. Банк ходимларига касбий ўсиш имконини берувчи ходимлар малакасини оширишнинг самарали тизими ишлаб чиқилиши лозим. Банк ходимлари малакасини ошириш дастурлари амалий фаолият билан ўсишда мажбурий назарий таълимни, ишданажраган ҳолда таълим олиш ва келгусида банкка қайтиб келиш имкониятини ҳамда банк филиалларида мутахассислар сифатида мажбурий малака ошириш даврларини ўз ичига олиши лозим.

Республикамизда аудиторлик фаолиятини шу жумладан банкларда аудит муносабатларини тартибга солиб турадиган қонуний ва меъёрий ҳужжатлар тўпламининг вужудга келтирилганлигига қарамай, умуман аудитни, хусусан банк аудитини халқаро андозалар талабларига жавоб берадиган даражада ташкил қилиш учун ҳозирги шароитда ҳаракатдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга айрим қўшимчалар ва тўлдиришлар киритиш зарурияти туғилмоқда. Бу борада ҳам қатор лойиҳалар ва қарорлар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, банк ички аудитини ривожлантириш учун енг аввало Банк кенгашлари ролини ошириш керак. Бу борада қабул қилинган 1998 йил 2 октябрь Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги 24-сонли ҳамда 2000 йилдаги 104-сонли қарорларда банк кенгашлари фаолиятини ва ички аудит хизматини ташкил қилишни тубдан ўзгартириш кўзда тутилган эди. Аммо амалиётда банк кенгашлари фаолиятида ва банк ички аудит хизматини ташкил қилишда кутилган ўзгаришлар тулиғича амалга оширилмади. Чунки йирик тижорат банклари кенгаш аъзолари аввалгидек давлат вазирликлари, коорпарациялар ва Марказий банк аъзоларидир. Бундай шароитда кенгаш аъзоларининг юқори лавозимлари ва мавқеи банк ички аудит хизмати устидан назорат қилишга, уни зарур даражада ташкил қилишга вақтлари ҳам бўлмайди.

Банкларда ички аудит хизматини такомиллаштириш фақатгина акциядорлар томонидан ўз мулкига ва унинг ишлатишига беъэтибор бўлмагандагина ҳамда ички аудит хизмати ўз мустақиллигига эга бўлгандагина ривожланиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир соҳа, тармоқ каби банкларнинг ҳам ўз фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириб, такомиллаштириб боришлари талаб қилинади. Банклар, айниқса бу борада иқтисодиётнинг қон томири сифатида мавжуд иқтисодий муносабатлар, тўлов тизими, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги молиявий муносабатларни тартибга солиб туради. Бунда инвесторлар бевосита тижорат банки фаолияти натижасида топилган фойдани ҳақиқатда адолатли тақсимланганлиги ҳамда фаолият доирасида ишончли ахборотлар билан таъминланаётганларига ишониши учун аввало банк актив ва пассивлари аудитини амалга ошириши лозим.

Юқорида ўрганилган билимлар ва амалиётдаги муаммолар натижасида тижорат банкларининг актив ва пассив операциялари аудити бўйича қуйидаги лар маълум бўлдики, бунда асосан актив ва пассив операциялар аудити бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий-ҳисоботларининг ҳаққонийлигини текшириш жараёни эканлигини таъкидлаган ҳолда, актив ва пассив операциялар ҳисоби Базель кўмитасининг тавсиялари ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари нормаларига у қадар жавоб бера олмаслигини ва республикада тижорат банкларида самарали ички назорат тизими банкларнинг ишончли фаолиятини ҳамда бутун молия тизими барқарорлигини таъмишлаши зарурлиги кўрсатилган бўлса-да, амалиётда бу жараённинг ортда қолаётгани ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Тижорат банкларининг актив ва пассив операцияларининг текширув объекти умумий ва молиявий маълумотлар, кадрлар таркиби ёки тизимлардаги ўзгаришларни ўз ичига олиши керак деб лозим деб топдик. Шу билан бирга текширув учун аниқ фаолият турларини танлаш босқичида операциялар ёки рискларни хусусиятини таҳлил қилиш, муҳимлилик кўрсаткичларини аниқлаш, тизимдаги ўзгаришлар ва назоратдаги маълум камчиликларга баҳо беришнинг аҳамияти каттадир.

Умуман олганда, тижорат банклари актив ва пассивлари аудитида тижорат банки учун энг даромадли актив кредит ва лизинг операциялари бўлиб, уларнинг аудитини ўтказиш ўта мураккаб ва синчковликни талаб қилади. Бунда асосан урғу кредит фоизларидан келадиган даромадлари бўйича муддати ўтган кредитлар бўйича фоизларнинг ҳисобланиши, суд жараёнига ўтказилиши амалиётлари ҳамда балансдан ташқари ҳисобварақларда уларнинг акс эттирилиши тўғрисидаги ҳужжатларни расмийлаштирилишини кенг камровда текширишни, миқдорнинг асосий талаб қилиб олингунча ҳисобрақамига пул маблағларининг келиб тушушини, жумладан, инкассация орқали нақд пул маблағлари тушумини текшириш, асосий воситаларнинг баланс қиймати ва унга ҳисобланадиган амортизация

суммаларини харажат ҳисобрақамига ўтказилишини тўғри расмийлаштирилишини текшириш, тижорат банклари актив ва пассивлари аудитида нокумулятив ва кумулятив акциялар ҳисоби ҳамда бирлашган озчилик акциялар эгаларининг қўшилган корхоналардаги улушлари ҳисобини синчковлик билан аудит қилиш лозим, кредитлар бўйича ташқил қилиниши лозим бўлган резервлар ҳисобини тижорат банк харажатига тўғри олиб борилса, тижорат банки акционерлари манфаатлари учун фойдалироқ бўлади.

Ўзбекистон банк тизимида олиб борилаётган ишлар, жумладан банк аудитини такомиллаштириш борасидаги ишлар амалиётда учраётган хато ва камчиликларни ҳисобга олган ҳолда бу соҳада янги ислоҳатларнинг ўтказилишига зарурат туғдирмоқда.

Хулоса килиб айтганда, Ўзбекистон банклар тизимида ҳам ички аудит иш фаолиятини ташқил этиш ва такомиллаштиришда халқаро стандартлардан фойдаланилганда мақсадга мувофиқ бўлади, деган фикрдамиз ҳамда тижорат банклари актив ва пассивлари аудитининг таҳлилида асосан касса, ссуда, факторинг, лизинг, депозит ва нодепазит операциялари ҳисоби аудити тўғри йўлга қўйилганини аниқлаш ва аниқланган натижалар асосида банк томонидан қўйилган хатоларни бартараф этиш ҳамда кутиладиган риск даражаси олдини олиш борасида ривожланган давлатларнинг бой тажрибасига асосланмоқ керак.

Тижорат банкларида бошқарув тизими учун ички аудит фаолиятини такомиллаштиришнинг зарурлиги ва афзаллик жиҳатлари қуйидагилар билан изоҳланади;

- 1) ташқи аудитга нисбатан кам харажатлиги;
- 2) қонунчиликка доимий риоя қилинишининг кафолатланиши;
- 3) ички аудиторлар хизматидан мунтазам фойдаланиш имконияти
- 4) ички аудиторларнинг банкдаги вазиятдан, иш ва бошқарув услубидан, банкда қабул килинган сиёсатдан хабардорлиги;
- 5) аудиторлар орқали банк бўлимларидаги юқори малакали мутахассисларнинг текширувларга жалб қилиниши;
- 6) илғор технологиялар ва иш услубини жорий этишнинг рағбатлантирилишига кўмак берувчи тизим эканлиги

каби омилларни ҳисобга олган ҳолда банкларда ички аудит тизимидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар кўрилиши мақсадга мувофиқдир:

✓ Тижорат банкларида пассив ва актив амалиётлар бўйича амалга оширилаётган аудит текширувларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш мақсадида аудитор ишчи дастури қуйидаги алоқа тизимларини ўз ичга олиши лозим. “Банк-корхона”, “Банк-омонатчи”, “Банк-акциядор”.

✓ банк Кенгаши ишини самарали ташкил қилиш учун молия ва банк иши соҳасидаги тажрибали олимлар ва мутахассисларни шартнома асосида мақсадли жалб қилиш керак. Бу ўз навбатида кадрлар сиёсатини такомиллаштиришга олиб келади.

✓ банкларда ички аудит хизматининг банк Кенгашига расмийлик юзасидан бўйсинишига барҳам бериш керак, бунда асосий эътибор банк Кенгаши аъзолари сафида тегишли давлат органи вакиллари сонини ва ролини камайтириш

✓ барча банк филиалларида ички аудит хизмати ходимларининг тўғридан-тўғри банкнинг бош аудиторида бўйсиниши керак: бу борада ички назорат ходимининг банк Бошқарувидан мустақиллигини таъминлаш мақсадида банк Бошқаруви раҳбар ходимлари лавозимида тайинланаётган ҳар бир ходими дастлаб филиал ички ички назорат ходими суҳбатидан ўтмоғи ва унинг тавсияномасига асосан бош банк бошқаруви қарори асосида раҳбар ходим этиб тайинланмоғи керак. Ички назорат ходими томонидан тақдим этилган тавсиянома ҳулосаси қатъий тасдиқ кучига эга бўлмоғи даркор. Шу йўл билан ички назорат ходимининг банк бошқарувидан мустақиллигини таъминлаш мумкин.

✓ Тижорат банклари ички аудит хизмати ходимларининг малакасини халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда мунтазам ошириб бориш лозим.

✓ Иш жойларида ходимлари малакасини ошириш мақсадида Кадрлар бўлими таркибида “Назарий ўқув амалиёти” махсус ўқув курсини ташкил этиш ва унга филиал ички назорат ходими раҳбарлик қилмоғи лозим

✓ кредит сиёсати пастдан юқорига қараб тузилиши керак: мазкур тизимни тўлиқ амалга ошириш борасида жойларда бош банк штати таркибига кирувчи минтақавий менежерлар фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг аниқ мақсад ва вазифалари ишлаб чиқилмоғи лозим

✓ Касса операциялари бўйича аудит натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда жойларда фаолият кўрсатаётган филиал томонидан минибанкларни нақд пул маблағи билан таъминлаш банкларнинг фойдаланишда бўлган хизмат машиналари билан мустақил равишда амалга оширилмоқда. Бу борада бирлашган инкассация хизматининг фаоллигини ошириш ёки бўлмаса банк филиалларида тегишли шартномага мувофиқ бирлашган инкассация хизматининг тезкор бўлимларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

✓ Мослашувчан ташкилий тузилмани ташкил этиш: унинг муҳим хусусияти шундаки, улар меҳнатни функционал белгига кўра эмас, балки банк махсулотлари турларига мувофиқ тақсимлашга асосланади. Бундай тарзда уюштирилган банк маълум миқдорлар гуруҳларига асосий

эътиборни каратади, бу эса банкка уларнинг мақсадли талабларини самарали қондириш имконини беради.

✓ Тижорат банкларида “капитал rischi”ни камайтириш. Амалиётда девальвация заҳираси юқори салмоққа эгадир. Бу миллий валютамиз қадрининг ошиши устав капиталида хорижий валютага эга банкларда устав капиталининг камайиш хавфини туғдиради. Шу сабабли мазкур заҳира нобарқарор манба ҳисобланади. Бу муаммони ечишда қайта баҳолаш заҳираларини капиталлаштириш мақсадга муофикдир, яъни банк акциядорларига бепул акция тарқатиш орқали устав капиталига қўшилиши “бонусли акция” деб аталади. Янги чиқарилган акциялар банк активларини камайтирмайди ва олдин чиқарилган акциялар бозор баҳосини туширмайди. Бонусли эмиссия банк акциядорлик капиталининг барқарорлигини таъминлайди.

✓ Актив ва пассивларни баҳолашда инфляция омилни ҳисобга олиш зарур .

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Шарқ, 1992, 54-57 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар Кодекси Т.: Адолат Т.: 1995, 556 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси Т. Ўзбекистон, 2008 й.
4. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, Т. Шарқ, 1997, 47 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Т. Шарқ 1997, 48 б.
6. Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун. Т.: 1996 й.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май. // Солиқлар ва божхона хабарлари, 2000 й. 13 июнь.
8. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун 2003 й. (ўзгартиришлари билан)
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ» қилиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2000 йил 21 март. Халқ сўзи 2000 й. 22 март.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 1998 й. 2 октябрь. Халқ сўзи 1998 й. 3 октябрь.
11. 1996 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк аудити тизимини ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони Халқ сўзи 1996 йил 25 июл.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги 56-сон «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. Халқ сўзи. 2005 й. 16 апрель
13. «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодийни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 2007 йил 12 июль. Халқ сўзи 2007 й. 13 июл.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-1090 Қарори. Халқ сўзи 2009 й. 7 апрел
15. «Банк тизимини янада ривожлантириш ва пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори 2007 йил 7 ноябрь.
16. «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг маъсулиятини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 2001 йил 22 июнь. №264.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 293-сонли «Аудиторлар ва аудиторлик фирмаларининг Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги Низоми, 1993й. 17 июн.

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Банкларнинг кредит ва депозитлари бўйича фоизлар ҳисоблаш тартиби тўғрисида»ги Низоми, 1998 йил 2 декабрь.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида»ги Низоми, 1998 йил 2 декабрь.

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйилган талаблар тўғрисида»ги Низоми, 1998 йил 2 декабрь.

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоизларни ўстирмаслик сиёсати тўғрисида»ги Низоми, 1998 йил 2 декабрь.

22. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга қўйилган талаблар тўғрисида»ги Низоми, 1998 йил 19 декабрь.

23. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари томонидан активлар сифатини таснифлаш, улар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Тартиби, 1999 йил 11 февраль.

24. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низоми, 2000 йил 2 март.

25. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низоми, 2000 йил 2 март.

26. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захираларни депонентлаш тартиби тўғрисида»ги Низоми, 2000 йил 20 апрель.

27. «Ўзбекистон Республикаси банкларини аудит қилиш тўғрисида»ги 403-сонли Низом 1998 й. 4 июл.

28. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/5 сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома». (Янги таҳрирда)

29. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 17 майдаги 12/2 сонли қарори билан тасдиқланган «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва Қимматликларини ташишга доир йўриқнома». (Янги таҳрирда)

30. Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом. 2000 йил 22 февраль.

31. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2 сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварағлари тўғрисидаги йўриқнома»

32. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 4 мартда 2205-сон билан руйхатдан утган “Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит муомалаларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”

33. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 15 мартда 2342-сон билан руйхатдан утган “Хужалик юритувчи субъектларнинг банк хисобварағларидан пул маблағларини хисобдан чиқариш тўғрисидаги йўриқнома”

34. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда». - Т.: Ўзбекистон, 1999.

35. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз—жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир». Т.: Ўзбекистон, 85-бет.

36. Каримов И.А. «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида»—Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2005, 8-бет

37. Каримов И.А. «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровонхаёт –пировард мақсадимиз». - Т.: Ўзбекистон, 2000. - 528 б.

38. Каримов И.А. «Ватанравнақи учун ҳар биримиз масъулмиз». /Халқ Сўзи/, 2001 йил 17 февраль.

39. Каримов И.А. «Ўзбекистон Миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура». - Т.: Ўзбекистон, 1996. - 364 б.

40. Каримов И.А. «Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш - энг муҳим вазифамиз». /Халқ сўзи/, 2000 йил февраль.

41. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

42. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш—давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

43. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Ходиев Б.Ю. ва бошқалар. – Т: Иқтисодий, 2009 й.

44. Абдуллаева Ш.З. Каримов Ф.Ш., К.Н. Наврўзова, У.Д. Ортиқов «Банк ресурслари ва уларни шакллантириш асослари». Т. ГМИ 2004 й. 263 бет.

45. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар Дарслик Т.ГМИ, 2007 й. 348

46. Абдуллаева Ш.З. «Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш» мавзусидаги докторлик диссер. Автореферати. 2000. - 42 б.

47. «Аудит банков». Учеб. пособие / Под ред. Г.Н. Белоглазовой, Л.П. Кроливецкой, Е.А. Лебедева, - М.: Финансы-и статистика/, 2001. – 352 с.

48. Белоглазовой Т.Н., Короливеской Л.П. «Банковское дело» Учебник. М. Питер- 2008 г. стр. 324

49. «Банковское дело». Учебник. Под. Ред. Лаврушина О.И.-2-е изд., переработ. И доп. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 576 с.

50. «Банки и банковские операции» под. Ред. Жукова Е.Ф. - М.: ЮНИТИ, 2004. - 387 с.

51. Эрматов М.К. «Банк назорати ва уаудитини такомиллаштириш муаммолари». Монография. Т.: «IQTISOD-MOLIYA» 2005 й. 144 б.

52. Комисаров Г. П. Тижорат банклари фаолиятини бошқариш // Вестник банковского дела № 1. Россия. 2004 январь 59 стр.

53. Норқобилов С.Х. ва Абдусаломова О. «Банкларда аудит». Т. «Маънавият» 2005 й. ўқув қўлланма.

54. Панова Г.С. «Анализ финансового состояния коммерческого банка». – М.: Финансы и статистика, 2001 202 с.

55. Тулаходжаева М.М. ва бошқалар «Аудит» (дарслик). Т. ТДИУ, 2008 й.

56. Тулаходжаева М.М. ва Ф.Г. Гуломоваларнинг умумий таҳрири остида. Аудит. Ўқув қўлланма. Т.: ЎзБАМА. 2004 й., 68-бет.

57. Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2012 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. «Бозор пул ва кредит» – 2012 й. - №01.

58. Қодиров А. Ўзбекистон банк тизими: юксалиш одимлари // Ж.Бозор, пул ва кредит. – 2005. - №9. – Б. 7-16

59. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон банк тизими барқарор ривожлантириш йўлида. Т.: «Бозор пул ва кредит», № 01. 2012 й.

60. Жумагалдиев М. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисобини янада ислоҳ қилиш. Т.: «Бозор, пул ва кредит», 2006 й. № 5.

61. Basel Committee on Banking Supervision. Consultative Document The New Basel Capital Accord. January 2010.

62. Интернет сайтлари

AcademicLeadership-<http://www.academicleadership.org/>

Connection: New England's Journal of Higher Education and Economic Development - <http://www.nebhe.org/conn.html>

[www. Resurs. ru.](http://www.resurs.ru) интернетсайти.

www.eu.int.org

<http://www.cfin.ru/news>

www.creditag.su

www.ownbanking.uk

www.uza.uz

www.bankreferatov.ru

[http://cbu.st.uz.](http://cbu.st.uz)

[www.cbu.uz.](http://www.cbu.uz)

**Тижорат банклари фаолиятида ички аудитнинг босқичлари,
таснифлаш белгилари ва мезонлари.⁴**

Аудит босқичлари	Таснифлаш белгиси	Таснифлаш мезонлари
I. Режалаштириш	1. Текширув вақти	1.1. Режага кўра 1.2. Режадан ташқари
	2. Ўтказиш тури	2.1. Хужжатли 2.2. Визуал
	3. Текширув тури	3.1 Режага кўра 3.2 Режадан ташқари
	4. Услубиётига кўра	4.1 Мослик аудити 4.2 Таҳлилий текширув
	5. Такрорийлигига кўра	5.1 Узлуксиз аудит 5.2 Даврий аудит
	6. Текширув йўналишига кўра	6.1 Молиявий аудит 6.2 Бошқарув аудити 6.3 Хўжалик аудити 6.4 Ижтимоий аудит
II. Аудитни олиб бориш	1. Назорат объектига кўра текширув йўналишлари	1.1 Бухгалтерия ҳисоби тизими 1.2 Ички назорат тизими 1.3 Бошқарувнинг турли бўғинлари
	2. Аудиторлик текширувининг мақсади ва ҳажмига кўра	2.1 Ташкилий аудит 2.2 Функционал аудит 2.3 Махсус аудит
	3. Аудитнинг йўналишларига кўра	3.1 Ташкилий-ҳуқуқий аудит 3.2 Молиявий-таҳлилий аудит 3.3 Компьютер аудити
	4. Мулкдор манфаатлари бўйича текширувни ташкил этиш шаклларига кўра	4.1 Молия-хўжалик фаолиятининг тўлиқ аудити 4.2 Махсус аудит 4.3 Муфассал аудиторлик текшируви 4.4 Балансни ҳисоб-таҳлилий текшириш 4.5 Асослилик ва ҳаққонийлигини тасдиқловчи текширув
	5. Ҳужжатларни текширишни ташкил этиш усулига кўра	5.1 Комплекс аудит 5.2 Танлаб текширишга асосланган аудит 5.3 Оралик аудит 5.4 Чекланган аудит 5.5 Тизимли аудит
III. Хулоса	Аудит натижаларини расмийлаштириш шаклига кўра	1.Оралик далолатнома билан расмийлаштирилган 2. Хулосалар билан расмийлаштирилган 3.Махсус хулоса билан расмийлаштирилган 4.Ахборотнома билан расмийлаштирилган

⁴ Ушбу жадвал Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Аудиторнинг ишчи дастури

№	Режалаштирилган иш турлари	ЎТК азиш вақти	Иж рочи аудитор	И зоҳ
А	В	С	Д	Е
1	Ишчи гуруҳнинг барча аъзолари вазифалари, хусусан аудитнинг умумий режаси низомлари билан танишиш			
2	Банк ички назорати ҳолатини аудит қилиш			
3	Банкнинг таъсис ва қайд этиш ҳужжатларини аудит қилиш			
4	Банк устав фонди ва бошқа фондларнинг шакллантирилишини аудит қилиш			
5	Мижозларга ҳисоб-касса хизматини кўрсатишини аудит қилиш			
5.1	Хизмат кўрсатишни аудит қилиш			
5.2	Тўғри иш юритилишини аудит қилиш			
5.2.1	Мижозларнинг юридик ишларини аудит қилиш			
5.2.2	Мижоз ҳисобварағларини ҳисоби юритилишини аудит қилиш			
5.2.3	Пластик карточкалар бўйича ҳисоб юритилишини аудит қилиш			
5.2.4	Мижозларнинг касса интизомига риоя қилинишини аудит қилиш			
6	Касса операцияларини аудит қилиш			
6.1	Касса операциялари ташкил этилишини аудит қилиш			
6.2	Касса операциялари ҳолатини аудит қилиш			
7	Валюта операцияларини аудит қилиш			
7.1	Валюта операциялари ташкил қилинишини аудит қилиш			
7.2	Валюта операциялари ҳолатини аудит қилиш			
7.2.1	Нақд валюталар олди-сотдисини аудит қилиш			
7.2.2	Экспорт-импорт операциялари аудити, валюта назоратини амалга ошириш			
7.2.3	Экспортдан тушадиган валюталар тушуми, жумладан валютани сотишни амалга ошириш			
7.2.4	Импорт битимлари бўйича товарлар киримини ташкил қилиш			
7.2.5	Ҳисобварағларда хорижий валюта қолдиқларининг қайта баҳоланишини аудит қилиш. Очiq валюта позициясининг ҳисоби ва лимитига риоя этилишини аудит қилиш			
8	Банкнинг актив-пассив операциялари ва уларнинг ҳисоботда акс этирилишини аудит қилиш			
8.1	Актив-пассив операциялар ташкил этилишини аудит қилиш			
8.2	Актив-пассив операциялар ҳолатини аудит қилиш			
8.2.1	Кредит операцияларини аудит қилиш			
8.2.2	Депозит операцияларни аудит қилиш			
8.2.3	Бошқа операцияларни аудит қилиш			

9	Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган операцияларни аудит қилиш			
9.1	Қимматли қоғозлар билан операцияларнинг ташкил қилинишини аудит қилиш			
9.2	Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган операцияларни аудит қилиш			
9.2.1	Давлат қимматли қоғозлари			
9.2.2	Корпоратив облигациялар			
10	Бухгалтерия ҳисоби юритилиши ва унинг ташкил этилишининг умумий ҳолатини аудит қилиш			
10.1	Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботлар ташкил этилишини аудит қилиш			
10.1.1	Асосий воситалар ҳисобини аудит қилиш			
10.1.2	Номоддий активлар ҳисобини аудит қилиш			
10.1.3	Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисобини аудит қилиш			
10.1.4	Хўжалик материалларини аудит қилиш			
10.1.6	Ходимлар иш ҳақиға ойлик тўлаш ва бошқа тўловлар ҳисобини аудит қилиш			
10.1.7	Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳисобини аудит қилиш			
10.1.8	Банк тасарруфида қолган фойда ҳисобини аудит қилиш			
11	Банкнинг солиқ қонунчилигига риоя этилишини аудит қилиш			
11.1	Ҳисобдан чиқариш ҳамда солиқ ва бошқа мажбуриятлар бўйича тўловлар ташкил этилишини аудит қилиш			
11.2	Ҳисобдан чиқариш ҳамда маҳаллий ва республика миқёсидаги солиқлар тўлови ташкил этилишини аудит қилиш			
11.2.1	Фойда солиғини аудит қилиш			
11.2.2	Қўшилган қиймат солиғи			
11.2.3	Қимматли воғозлар билан операциялар бўйича солиқлар			
11.2.4	Мол-мулк солиғи			
11.2.5	Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи			
11.4	Бюджетдан ташқари фондларга тўловлар ва ҳисобдан чиқаришларнинг ташкил этилишини аудит қилиш			
11.4.1	Пенция фондига			
11.4.2	Бандлик фондига			
11.4.3	Мақтаб таълими фондига			
12	Ноаниқ мажбуриятларни аудит қилиш			
13	Банк фойдасини шакллантириш ва ундан тўғри фойдаланишни аудит қилиш			
14	Иқтисодий меёрларга риоя этилишини аудит қилиш ва таҳлил этиш			
15	Банк молиявий ҳисоботларини аудит қилиш			
15.1	Баланс таркиби таҳлили			
15.2	Фойда ва зарарлар таркибини таҳлили			
15.3	Кўрсаткичларнинг меърий таҳлили			
15.4	Банк фаолиятининг натижалари таҳлили			
16	Аудит натижаларига тизимли ёндашган ҳолда баён этилган хулоса			

ОАТБ «ҲАМКОРБАНК» нинг 31.12.2011 йил ҳолатига баланс ҳисоботи			
АКТИВЛАР	31.12.2010		31.12.2011
	минг сумда		минг сумда
1 Наҳд пуллар		29869849	62795285
2 Ўзбекистон Республикаси МБдан олиниши керак бўлган маблағлар		93024729	88918112
3 Бошқа банклардан олиниши керак бўлган маблағлар		34423331	41783965
4 Олди-сотди Ҳисобварағлари			
а. Ҳимматли Ҳоҳозлар	0		0
б. Ҳимматбаҳо металллар, тангалар, тошлар	0		0
Минус: Олди-сотди Ҳисобварағлари бўйича эҳтимолий зарарларни баҳолаш	0		0
Соф Олди-сотди Ҳисобварағлари		0	0
5 Инвестиция	11256293		17878180
Минус: Инвестиция бўйича эҳтимолий зарарларни баҳолаш	38528		41724
Соф инвестиция		11217765	17836456
6 Тескари РЕПО		0	0
7 Кредит ва лизинг операциялари			
а. Брутто кредитлар	213865509		288869654
б. Брутто лизинг	6143029		10660705
Минус: Кредит ва лизинг операциялари бўйича эҳтимолий зарарларни баҳолаш	8885140		9848587
Соф кредит ва лизинг операциялари		211123398	289681772
8 Олинган векселлар			
Минус: Олинган векселлар бўйича эҳтимолий зарарларни баҳолаш			
Соф Олинган векселлар		0	0
9 Молиявий инструментлар бўйича мижоз мажбуриятлари		0	0
10 Асосий воситалар (соф)		19298257	18217799
11 Олинадиган Ҳисобланган фоизлар		2332978	2163378
12 Банкнинг бошқа хусусий мулклари			
а. Кўчмас мулкка Ҳилинган инвестициялар	400587		429120
б. Кредит ва лизинг Ҳисобидан ундирилган бошқа мулклар	451986		2259641
Минус: Банкнинг бошқа хусусий мулклари бўйича эҳтимолий зарарларни баҳолаш	0		417300
Соф ббанкнинг бошқа хусусий мулклари		852573	2271461
13 Бошқа активлар		10289932	6451021
14 ҲАМИ АКТИВЛАР		412432812	530119249
МАЖБУРИЯТ			
15 Трансакцион депозитлар		110662782	136907718
16 Ҳамфарма депозитлар		44868049	68404504
17 Муддатли депозитлар		109202831	131641929
18 Ўзбекистон Республикаси МБга тўланиши керак бўлган маблағлар		0	0
19 Бошқа банкларга тўланиши керак бўлган маблағлар		10500000	37535000
20 РЕПО операциялари		0	0
21 Кредит ва лизинг операциялари бўйича тўловлар		15455925	40649894
22 Субординат Ҳарз мажбурияти		8000000	0
23 Тўланадиган фоизлар		1293899	3123654
24 Бошқа мажбуриятлар		54625784	33201385
25 ҲАМИ МАЖБУРИЯТ		354609270	451464084
ХУСУСИЙ КАПИТАЛ			
26 Оддий акциялар		22776899	27357500
27 Имтиёзли акциялар		1642500	1642500
28 Ҳўшилган капитал		1173104	1309004
29 Девальвация фонди		0	0
30 Таъсмиланмаган фойда		31793143	47900393
31 Ҳайта баҳолаш натижалари		437896	445768
32 ҲАМИ ХУСУСИЙ КАПИТАЛ		57823542	78655165
33 ҲАМИ ПАССИВ (МАЖБУРИЯТ +ХУСУСИЙ КАПИТАЛ)		412432812	530119249